

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта**

**максус таълим вазирлиги**

**Гулистон давлат университети**

**“Экология ва география” кафедраси**

**5110500-география ўқитиш методикаси таълим йўналиши**

**32-12-гурух талабаси Собиров Жамшиднинг**

**“География таълимида дидактик ўйинли  
технологиялардан фойдаланиш” мавзусида бажарган**

**битириув малакавий иши**

**Раҳбар: География фанлари номзоди,**

**доцент Каршибаева Л**

**Гулистон-2016**

Битирув-малакавий иши кафедранинг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -  
йиғилишида мухокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Ҳимояга тавсия этилди\_\_\_\_\_ А.Юлдашов, кафедра мудири,  
география фанлари номзоди.

Тақризчилар\_\_\_\_\_

## **Кириш**

**Муаммонинг долзарбилиги.** Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даржасига кўтарилиди. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбхунар коллежларида олиб борилаётган ислоҳотлар таълим услублари ва воситаларини такомиллаштиришни, таълим-тарбия сифатини янада оширишни талаб этади.

Мактабдаги ўқув жараёнининг сифати бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида ўқитишнинг метод ва усуллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Улар билимларни онгли ва чуқур ўзлаштирилишига, ўқувчиларда мустақиллик ва ижодий фаолликни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда жаҳон педагог олимлари томонидан педагогик технологияларнинг ўқувчиларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашдаги фаоллигини оширишга имконияти чексиз эканлиги таъкидламоқдалар.

Таълим жараёнида ўқувчиларни ўқув материалига бўлган қизиқишини шакллантириш ва тарбиялашнинг самарали воситаларидан бири – дидактик ўйинлар ҳисобланади. Ўйин ўқувчилардаги ҳиссий ва ақлий кучларнинг зўрланишини талаб қилувчи алоҳида ташкилланган машғулот бўлиб, улардан тизимли фойдаланиб борища география фани катта имкониятга эга. Бу

ҳақда Н.Н.Баранский шундай ёзади: “... фанлардан ҳеч бири география фанидек таълимнинг кўргазмали ва қизиқарли усуларини қўллашга бой бўлган қимматли майдонни тақдим қилмайди”.

Ўйинли технологиялар ўқувчиларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга, фикрини эркин баён этишга имконият яратади. География дарсларида фойдаланиладиган ўйинлар ўқувчиларнинг амалий фаолиятида билим ва малакаларни, меҳнат кўникмаларини ривожлантиради, мустақиллик, ирода, маънавий-эстетик дунёқарашни шакллантиради, ҳамкорлик, диққат, хотира, нутқ, тафаккур, солишириш, ижодий қобилият каби хусусиятларни ривожлантиради. Педагогик амалиёт даврида ўтказилган сўровлар ва кузатишлар шуни кўрсатди, кўпчилик ўқитувчилар дарс жараёнида дидактик ўйинлар технологиясидан йилига 3 - 4 мартадан ортиқ фойдаланмайдилар. Дарсларда ўйинларни кам кўлланишининг асосий сабаби эса ўйинли фаолият муаммолари педагогика назариясида ва география ўқитиш методикасида етарлича ўрганилмаганлигидир. Бу эса ўз навбатида битирув-малакавий иш сифатида танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Дидактик ўйинли технологиялар ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш бўйича жаҳон, МДҲ ва республикамиз олимлари томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, МДҲ мамлакатларида ўйинли технологиялардан фойдаланишининг мақсад ва вазифалари, ўйинлар таснифи ва уларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари Г.К.Селевко, А.Н.Леонтьев, С.А.Сматков, Н.М.Коряк, Л.Н.Картель, Ўзбекистонлик олимлардан И.Оллоёров, Н.Азизхўжаева, А.Қосимов, А.Ахмадалиев ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, география таълимида ўйинли технологиялардан фойдаланиш кўплаб географ-услубиётчилар томонидан тадқиқ этилган бўлиб, улар қаторига О.Мўминов, Р.Курбонниёзов, И.Абдуғаниев, М.Пайзиева, П.Мусаев, О.Абдуғаниев ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу битирув-малакавий ишда юқорида тилга олинган

олимлар томонидан яратилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда, умумтаълим мактабларида ўқув жараёнини самарали ташкил этишда географик ўйинлардан фойдаланишнинг аҳамияти кўрсатиб берилди ва мактаб география курсларининг айрим мавзулари бўйича дарс ишланмалари тайёрланди.

**БМИнинг тадқиқот обьекти ва предмети.** БМИнинг тадқиқот обьекти сифатида география дарсларида ўқувчиларни дидактик ўйинли технологиялар асосида ўқитиш жараёни танланди. Ишнинг предмети эса географик ўйинлар ва уларнинг турлари, география дарсларида ўйинлардан фойдаланиш усуллари, уларни ўқитишнинг самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш ва мактаб география курсларининг айрим мавзулари бўйича дарс ишланмалари тайёрлаш ҳисобланади. БМИда педагогик амалиёт даврида ўтказилган кузатиш, педагогик эксперимент, таққослаш каби методик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**БМИнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу битирув-малакавий ишнинг мақсади умумтаълим мактабларида ўқув жараёнини самарали ташкил этишда замонавий технологиялар ва инновацион методлар, хусусан, дидактик ўйинларни қўллашни асослаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Қўйилган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгиланди:

- мавзуга оид педагогик ва методик адабиётларни, мактаб география курслари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ўрганиш, таҳлил қилиш;
- мактаб география дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш воситаси сифатида ўйинларнинг тутган ўрни ва ролини аниклаш;
- география таълимида ўқувчиларнинг географик билим, кўникума ва малақаларини ривожланишига ёрдам берувчи дидактик ўйинларни танлаш;
- мактаб география курсларининг айрим мавзулари бўйича дарс ишланмалари тайёрлаш

**БМИнинг таркибий тузилиши.** Мазкур битирув иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

БМИнинг матн қисми 59 бетдан иборат бўлиб, мавзуга оид жадвал ва чизмалар келтирилган. География курслари бўйича айрим мавзуларга технологик хариталар илова қилинган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 20 та манба ва бта интернет сайти кўрсатилган.

## **I-БОБ. УМУМИЙ ПЕДАГОГИКАДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1 Ўқитишининг инновацион педагогик технологияларида дидактик ўйин технологияларининг тутган ўрни, мақсади ва ўқитиши самарадорлигини оширишдаги аҳамияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта-маҳсус қасб-хунар муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1761-сонли қарорида таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш борасида чет эл тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш таъкидланган. Зеро ўқув жараёнида педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш таълим самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.


Педагогик технологиялар *мазмун ва тузилишига қўра* қўйидагиларга - ўргатувчи ва тарбияловчи, дунёвий ва диний, умумтаълим ва қасбий таълимга йўналтириш, ижтимоий, турли тармоқли, ҳусусий предметли, политехнологиялар, монотехнологиялар ва кириб борувчи технологияларга ажратилади. Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмида мустаҳкам ўрин эгаллади. “Педагогик технология” сўз бирлиги – бу инглизча “*an educational technology*” – “таълим технологияси” иборасининг аниқ бўлмаган таржимасидир. Ҳозирги кунда

таълим жараёнида кенг қўлланилаётган янги педтехнологияларга қўйидагиларни киритиш мумкин.

Ўйинли ўқитиши методидан бош авлоднинг тажрибасини кичикларга узатиш сифатида қадимдан фойдаланиб келинган. Ўйинлар халқ педагогикасида - мактабгача ёшдаги ва мактабдан ташқари муассасаларда кенг қўлланилган.

Рус услубиётчиси Г.К.Селевко таъбири билан айтганда, “ўйин-бу ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга ва яратишга қаратилган вазиятлар шароитидаги фаолият тури бўлиб, ҳатти-ҳаракат устидан ўзини ўзи бошқариш юзага келади ва такомиллашади”.

Замановий мактабга қўйилган талабларга кўра, ҳар бир ўқувчини мустакил ўқишига ўргатиш, уларнинг қизиқишиларини, ўкув фаолиятига фаол серҳаракат муносабатини шакллантириш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, мактаб ўқувчиларининг руҳий ва жисмоний зўриқтиришни камайтириш ҳам ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан бири ҳисобланади. Ўқитишининг дидактик воситаси ҳисобланган дидактик ўйинлар ушбу муаммо ечимини топишда муҳим омил вазифасини бажаради.



## 1-чизма. Инновацион таълим технологиялари

Дидактик ўйин оддий ўйиндан фарқли ўлароқ, муҳим хусусиятга эга бўлиб, ўйиннинг **аниқ мақсади** ва шунга мос **билишга йўналтирилган**

**педагогик натижаларга** эгалигидир. Шунингдек, дидактик ўйинда барча ўқувчиларнинг иштирок этиши асосий шартлардан бири ҳисобланади. Дидактик ўйинларнинг қоидалари, мазмуни, ўтказиш усуллари шундай ишлаб чиқиладики, айрим, фанга қизиқиши йўқ ўқувчилар учун дидактик ўйинлар бу қизиқиши ривожланишининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Дарс жараёнида ўйинли ҳолатларни яратиш фанга қизиқиши оширади, ўқувчига хилма-хиллик ва ҳаяжонли ёрқинликни олиб киради, чарчоқни бартараф этиб, диққатни, зеҳнни, мусобақа хиссини, ўзаро ёрдамни ривожлантиради. Ўқув материалини ўрганишнинг турли босқичларида дидактик ўйинни мунтазам қўллаш, мактаб ўқувчиларининг билиш фаолияти мотивациясини ривожлантиришнинг самарали воситасидир. У ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакалари сифатини оширишга, ақлий фаолиятини шакллантиришга ижобий таъсир этади. Дидактик ўйинлар мактаб ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялашнинг анъанавий шаклларини тўлдиради.


Таълим жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиб, ўқувчининг икки ижод тури - ўқиши ва ўйинни бирлаштириш мумкин. Ўқувчи ўзини мактабда яхши тутиши учун у ўзининг ўқишига тўғри баҳо бериши, бошқалардан ёмон эмаслигига ишониши керак. Агар ўқувчи билимларни ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келса, унда мактабга, ўқишига нисбатан совуқлик пайдо бўлади. Дарсларда ижодий ўйинлардан фойдаланиш дарс жараёнини қизиқарли қиласи, таълим жараёнида индивидуалликнининг ҳаётий бўлишида ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан қараганда дидактик ўйинларнинг аҳамияти чексиздир.

Ўқув жараёнида ўйин фаолияти орқали қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ўйин фаолияти орқали шахснинг ўқишига, меҳнатга бўлган қизиқиши ортади;

- ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши яъни, коммуникатив – мулоқот маданиятини эгаллаши учун ёрдам берилади;
- шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишига имкон яратилади;
- ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгиш ва мўлжални тўғри олиш кўникмаларининг таркиб топишига ёрдам беради;
- ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ-атворни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади;
- шахснинг ижобий фазилатларини шакллантиришга замин тайёрланади;
- ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади
- инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса, ижтимоий, маънавий-маданий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади;

## Ўйинли технологиялар мақсадлари



### 2-чизма. Ўйинли технологияларнинг мақсадлари

Дидактик ўйинлар қуидаги функцияларни бажаради:

1. Ижтимоийлаштириш функцияси. Ўйин ўқувчини ижтимоий муносабатлар тизимиға қўшилиш учун кучли воситадир.
2. Миллатлараро коммуникация функцияси. Ўйин ўқувчига умуминсоний қадриятлар, бошқа миллатларнинг маданиятини ўзлаштириш имконини беради. Чунки ўйинлар миллий ва шу билан бир вақтда интернационал ва миллатлараро характерга эга.
3. Ўзини намоён қилиш функцияси, яъни ўйин инсон амалиётининг палигони сифатида.
4. Комуникативлик функцияси.

5. Диагностик функцияси. Ўйин педагогга ўқувчиларга турли хил қобилиятлар (ақлий, руҳий ва ижодий ва бошқалар)ни аниқлашга ёрдам беради.

6. Ўйиннинг терапевтлик функцияси. У ўқувчининг ҳулқида, муаммосида ва ўқишида пайдо бўладиган турли хилдаги қийинчиликларни енгиш воситаси сифатида фойдаланишда намоён бўлади.

7. Тузатиш (коррекция) функцияси. Ўқувчининг шахсий структураси кўрсаткичлари ижобий ўзгаришлар қўшимчалар киритиш.

8. Кўнгилочар функцияси.

Ўйинли ўқитиш методларининг юқори самарадорлиги анъанавий метод билан таққослаганда жиддий афзалликларга эга. Уларнинг баъзиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қабул қилинган ечим натижаларининг аниқлиги: ўйинда батафсилликка аҳамият бермаслик, информацион салмоқдан ишга тааллуқли бўлмаган реал жараёнлар хусусиятларидан келиб чиқадиган “шовқинларни” ўчириш мумкин;
- вақтнинг ўзгарувчанлик кўлами: ўйин “тез” ёки “секин” тарзда воқеа боришини бошқаришга имкон беради. Шартли амалиёт ҳолатида тузилдиган ўйинда, бир неча соат ёки бир неча йил “яшаш” мумкин;
- кўрсатманинг ўзгариши: ўқитиш давомида малакаларнинг тўпланиши билан тажрибани такрорлаш: бир вазиятнинг ўзини ҳар гал ечимга янгича ёндашган тарзда бир неча марта қайта ўйнаш мумкин;
- қамраб олиши кўламини ўзгартириши имкониятининг мавжудлиги: турли шароитларда жиддий ечимларни излаб топиш муддатини етарлича қисқартириш мумкин.



### **З-чизма. Талаба ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиши методларининг таъсир даражаси**

Кўпчилик ўйинлар учун қўйидаги хусусиятлар хос:

- Фақатгина талабанинг хоҳиши билан амалга ошириладиган эркин ривожланувчи фаолият. Талаба фақат натижадан эмас, балки, ўша жараёндан завқ олади.
- Бу фаолиятнинг ижодий, кўпроқ инпровизацион, фаол ҳарактерлилиги.
- Фаолиятнинг руҳий жиҳатдан юқорилиги, рақобат, мусобақалашиш (руҳий зўриқиши).

Бевосита ва билвосита қоидаларнинг мавжудлиги - ўйиннинг мазмунини акс эттиради, унинг мантиқий ва вақт бўйича кетма-кетлигини аниqlab беради.

**1-жадвал. Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари**

<b>Дидактик ўйинли машғулотлар</b>	<b>Мавзу мазмуну қандай бўлганда мазкур машғулотдан фойдаланилади.</b>	<b>Машғулотларнинг дидактик функциялари</b>	<b>Талабанинг фаолияти</b>
<b>Сюжетли-ролли</b>	Фаннинг турли соҳаларида кўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик хаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик хаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадиий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш
<b>Ижодий ўйин</b>	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш	Ижодий изланиш орқали янги мавзуни ўзлаштириш
<b>Ишибилар-монлар ўйини; Аукцион</b>	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар асосида талабаларнинг дунёқарашини кенгай-тириш, касбга йўллаш	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзуни ўзлаштириш
<b>Конференция</b>	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	«Олимлар» мақомини олиб, муайян мавзуларда изланишлар олиб бориш
<b>Матбуот конференцияси</b>	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш	«Олимлар» ва «Мухбирлар» мақомини олиб мавзуни ўзлаш-тириш

## **1.1 Дидактик ўйинларнинг турлари ва ташкил этиш усуллари.**

Дидактик ўйинли технологиялар ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Улар ўқувчи шахсидаги ижодий имкониятларни рўёбга чиқаради ва ривожлантиришнинг амалий ечимларини аниқлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Дидактик ўйинларнинг асосий турлари: *интеллектуал (ақлий)* ва *ҳаракатли* ҳамда *аралаш* ўйинлардан иборат. Бу ўйинлар иштирокчиларда ақлий, жисмоний, ахлоқий, психологияк, эстетик, бадиий, тадбиркорлик, меҳнат ва бошқа кўнималарни ривожлантиришга ёрдам беради.

Таълим-тарбия жараёнида асосан ўқувчиларда таълим олиш мотивларини, уларнинг турли йўналишдаги қобилият ва қизиқишлигини оширадиган, бирор касбга мойилликларини кўрсатадиган дидактик ўйинлардан фойдаланилади. Дидактик ўйинлар назарий, амалий, жисмоний, ролли, ишchanлик ва бошқа йўналишлар бўйича ҳам турларга ажратилади. Ҳозирда компьютер воситасидаги дидактик ўйинлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Дидактик ўйинлар шунингдек, ўқувчиларда таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, тадқиқ қилиш, ҳисоблаш, ўлчаш, ясаш, санаш, кузатиш, солишириш, хулоса чиқариш, мустақил қарор қабул қилиш, гурух ёки жамоа таркибида ишлаш, ахлоқ-одоб ўргатиш, нутқ ўстириш, тил ўргатиш, янги билимларни тушунтириш ва бошқа фаолият турларини ривожлантиришга йўналтирилган ўйинларга ажратилади.

Дидактик ўйинлардан ўкув фаолиятида фойдаланиш орқали бошқа усуллар ёрдамида эришиш қийин бўлган таълим-тарбиявий мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилади. Турли *ўкув фанларига оид дидактик ўйинлар* мавжуд бўлиб, улар шу фанларни сифатли ўргатиш мақсадларига хизмат қиласади.

*Умумий ўйинлар назариясига кўра*, мавжуд барча ўйин турларини таснифлашда уларни функционал, мавзули, конструктив, дидактика, спорт ва

ҳарбий ўйинларга ажратилади. Буларнинг орасида дилактик ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўйинлар мактаб ёшидаги болаларнинг асосий фаолият шакли ҳисобланади. Бу эса педагог ва психолог олимлар томонидан шу ёш давридаги ўйинларнинг таълим-тарбиявий аҳамиятини ўрганиш ва янада ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилишига асос бўлади. Натижада, ўтган асрнинг 60-йиллари бошидан АҚШда, сўнгра бошқа ғарб мамлакатларида ишбилармонлик ўйинлари қўлланила бошлади. Ишбилармонлик ўйинлари тадқиқотчилари бу усулни энг асосий, самарали ва тежамли таълим методларидан иборат деб таъкидлайдилар.

Дидактик ўйинларнинг яна бир тури – ақлий ҳужум усулини биринчи марта 1939 йилда А.Ф.Особорн қўллаган. Бу усулни у “ғоялар банки” деб номлаган ва муаммоларни қўйидагича ечишга асосланади:

- муаммоли вазият яратиш;
- ғояларни шакллантириш;

-энг яхши ғояларни текшириш баҳолаш. Муаммони ечиш бўйича иложи борича кўп, баъзан, батамом кутилмаган ғояларни бериш учун энг қулай шароит яратилиши ақлий ҳужум машғулоти самарадорлигини белгилайди.

Қўйида дидактик ўйин технологиялари амалга ошириладиган айрим ноанаънавий дарс шаклларини келтириб ўтамиз.

Ишбилармонлик ўйини дарси — дарс мавзуси бўйича масалаларни ҳал этиш жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш орқали янги билимларни ўзлаштириш мумкин. Бунда ўқувчилар томонидан ишлаб чиқаришда учрайдиган турли ҳолатларда имитацияланган вазиятлар юзасидан қарорлар қабул қилинишига асосланган усулдир. Ўқув жараёнида *ишбилармонлик* (бизнес) ўйинларнинг кўп турлари ишлатилади: имитацион, операцион, ролли ўйин, бизнес театр, психодрамма ва социодрамма.

Ролли ўйин дарси — дарс мавзуси бўйича масалаларни ўрганишда ўқувчиларга олдиндан маълум ролларни тақсимлаш ва дарс жараёнида шу ролни бажаришларини ташкил этиш асосида билимларни мустаҳкамлаш

дарси бўлиб, ўқитишнинг вазифаларини ҳаракат орқали амалга оширувчи ўқув жараёнидир. *Ролли ўйинларда* конкрет шахснинг ҳатти-ҳаракати, тактикаси, вазифани бажариши кўрсатилади ва устида иш олиб борилади. Аввал масала шакллантирилади, сўнгра ўйналади, кейин эса муҳокама қилинади.

Ролли ўйинларнинг моҳияти – қўйилган масаланинг ечилишида тингловчилар бевосита иштирок этадилар. Айрим иштирокчилар бажарувчи, айримлари эса кузатувчи вазифасини бажаради. Ролли ўйинлар кишиларга ўз ҳиссиётларини қадриятларга муносабатларини аниқлашга етаклайди. Самарали ролли ўйинлар гуруҳнинг иштирокини назарда тутади. Ўқитувчи ролли ўйинни фақат йўналтириши керак, аммо у ушбу ўйиннинг 8 та босқичини билиши лозим. Ролли ўйинларнинг иштирокчилари 2,5, 6,7, 8 босқичларида фаол иштирок этадилар.

1-босқич: Масала билан танишиш, унинг моҳияти, ҳиссиёт, фикр ва ҳулқни намойиш этиш учун муҳит яратиш. Намуна сифатида реал ҳаёт, телевидение, китоблардан ва бошқа мисоллар келтирилади.

- Масаланинг моҳиятини белгилаб шакллантириш.
- Масалани батафсил тушунтириш.
- Ролли вазиятни тавсифлаб бериш.
- Ролли ўйиннинг моҳиятини ўқитишнинг стратегияси сифатида тушунтириб бериш.

2-босқич: *Роллар ва ижрочиларни танлаш.* Ушбу ўйинда яратилган вазиятга муайян алоқаси бўлган ёки у билан қизиққан иштирокчилар ихтиёрий равишда иштирок этиши мумкин. Ўқитувчининг ўзи ўйинга ким кўпроқ лойиқ эканлигини сезса, ушбу иштирокчиларни жалб этиши мумкин.

- Ролларни таҳлил этинг.
- Бажарувчиларни танлашга ёрдам беринг.

3-босқич: *Декорацияларни тайёрлаш.* Иштирокчилар ўзини қулай сезишлари учун декорациялар имкон қадар оддий бўлиши керак. Ролларни такрорланг ва машғулотни нимадан бошлашингизни аниқланг.

4-босқич: Ролли ўйиннинг натижаларини самарали баҳолаи учун кузатувчиларга тавсиялар берши.

5-босқич: Ролли ўйин. Ўйин қисқа бўлиши керак. Таклиф этилган роль ҳамда образ очиб кўрсатилмагунга қадар томоша бирор-бир фикрни билдирамайди.

- Ролли ўйинни бошланг.
- Ўйин кечишини қўллаб-кувватланг.
- Ролли ўйинни тўхтатинг.

6-босқич: Ролли ўйиннинг қисқача тавсифи. Намойиш этилган ҳаракатларнинг мотивацияси ва оқибатлари муҳим роль ўйнайди.

- Бажарилган ролли ўйиннинг кечишини кўздан кечиринг.
- Ролли ўйиннинг асосий йўналишларини муҳокама қилинг.
- Ролли ўйиннинг навбатдаги босқичини ишлаб чиқинг.

7-босқич: Ролли ўйинни давом эттиринг.

- ролли ўйинни билдирган таклиф ва мулоҳазаларига эътибор берган ҳолда ўтказинг. Иштирокчилар ҳулқида ўзгаришлар содир этилишига унданг.
- Зарурат туғилганда иштирокчиларни алмаштиринг.

8-босқич: Тажриба алмасиши ва хуроса қилиши.

- Таклиф этилган вазиятни ҳаётай вазият билан солиштиринг.

Ролли ўйин давомида иштирокчилар ўзини тутишнинг тамойилларини ўрганиб чиқинг.

*Имитацион ўйинлар* – Машғулотда бирор-бир корхона, муассаса фаолияти имитация қилинади. Имитацион ўйин сценарийси воқеа сюжетдан ташқари имитация қилинаётган жараён ва объектларни таърифини ҳам ўз ичига олади.

*Операцион ўйинлар* – маҳсус операцияларни бажариш малакаларини оширади. Ушбу ўйин шароитлари реал шароитга максимал яқинлаштирилган бўлади.

«Муъжизалар майдони» дарси — ўқувчилар билан ўтказиладиган қизиқарли ўйин бўлиб, турли саволларга белгиланган вақт давомида турли жавоблар топиш ва ғолибларни рағбатлантириш орқали ўқувчиларда

фикрлаш, топқырлық, зийраклик ва билимларини кенгайтириб бориш сифатларини шакллантиради.



#### **4-чизма. Дидактик ўйинли дарсларнинг турлари, мақсад ва вазифалари**

**ДИДАКТИК ЎЙИНЛИ ДАРСЛАР ЯКУНИДА БАЖАРИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ВАЗИФАЛАР:**

Тескари алоқа, натижани ташкил қилиш, тегишли ўзгартиришлар киритиши

Олинган натижага мувофиқ мустақил ва ижодий иш топширикларини бериш

Театрлаштирилган дарс — дарс мавзуси билан боғлиқ сахна күренишлари ташкил этиш орқали дарс мавзуси бўйича чуқур, аниқ маълумотлар бериш дарси.

Компьютер дарси — тегишли ўқув фани бўйича дарс мавзусига доир компьютер материаллари (мультимедиа, виртуал ўқув курси ва шу кабилар) асосида ўтиладиган дарс.

Ким ошди савдоси дарси — ўқув фани айрим бўлими бўйича билимларни ҳар бир ўқувчи қанчалик кўп билишини намойиш этиш дарси.

Ярмарка дарси — дарс мавзусини бўлаклар бўйича олдиндан ўзлаштиришган ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот асосида синфга қизиқарли тушунтириш орқали ўтиладиган дарс.

«Суд» дарси — ўқувчилар билан дарс мавзусига мос «суд» жараёнини ташкил этиш орқали янги мавзуни тушунтириш дарси.

Концерт дарси — дарс мавзусини сахналаштирган ҳолдаги концерт шаклида ифодалаш машқлари бўлиб, ўқувчиларни фаоллаштириш ва билимини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

«Терговни билимдонлар олиб боради» дарси — дарс мавзусини олдиндан пухта ўрганган ўқувчилар ёрдамида қизиқарли савол-жавоблар, таҳлиллар асосида исботлаб тушунтириш матнлари бўлиб, бунда ўқувчилар дарс мавзусини ўзлаштириб, эслаб қолишлари учун қулайлик яратилади.

Интеграл (интеграциялашган) дарс — бир нечта фанларга доир ва интеграциялаш учун қулай бўлган мавзулар бўйича ташкил қилинган дарс бўлиб, ўқувчиларнинг турли фанларга қизиқишиларини орттириб, таълим жараёнидаги фаолликларини таъминлайди.

Бундай дарслар ўқувчиларга фанлараро боғлиқликни ўргатиш орқали уларда олам тузилишининг илмий асосларини тўлиқ идрок этиш, илмий дунёқарашларини шакллантириш, ижодий тафаккурларини ривожлантиришга хизмат қиласиди.

*Психодрама ва социодрамма* - ижтимоий-психологик театр, унда вазиятни ҳис этиш, бошқа одамни ҳолатини баҳолай олиш кўникмалари ривожлантирилади.

Педагогик технологиянинг тасдиқланувчанлиги, яъни ишланган моделни бошқа педагог қўллагандага ҳам ўшандай самара, натижа бериши қўйидаги босқичларни амалга оширилишига боғлик:

1-босқич: ўрганиш – эсда сақлаш.

2-босқич: тушуниб олиш, ўзлаштирганини айта билиш, исбот қила олиш.

3-босқич: тадбиқ эта олиш – қоида, қонунни билиб, ундан фойдаланиш.

4-босқич: таҳлил эта билиш – хулосалаш, бир-бирига боғлаш.

5-босқич: синтез – ахборотни ижодий қайта ишлай олиш.

6-босқич: баҳо олиш – кейинги билимга қадам.

Натижа:

- ўқувчининг талаби, истаги ҳохиши, тайёргарлиги даражасида қондирилади;
- ўқув жараёнига ўқувчининг бурчи ва масъулияти ошади;
- мустақил мутолаа қилиш, манбалардан фойдалана билиш кўникмалари шаклланади;

Юқорида келтирилган интерактив усулларнинг ҳар биридан йўналишнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб география дарсларида қўллаш яхши самара беради, деб ҳисоблаймиз.

Дидактик ўйинларни танлашда иштирокчиларнинг ёши, билими ва тарбияланганлик даражаси ҳисобга олинади. Ҳар бир дидактик ўйин машғулотларига ўзига хос хавфсизлик талаблари қўйилади. Бу хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя қилиниши ҳар бир ташкилотчининг доимий эътиборида бўлиши лозим.

Бундан ташқари ҳар бир дидактик ўйин учун сарфланадиган вақт миқдорини турли белгилаш ва унга риоя қилишнинг ўзига хос асосларини билиш ва дарснинг мақсадига мувофиқ қўллаш талаб қилинади.

Дидактик ўйин турларини танлаш мезонлари:

- иштирокчилар таркиби бўйича - ўғил болалар, қиз болалар, ўсмирлар, катта ёшдагилар учун ўйинлар;
- иштирокчилар сони бўйича - якка, жуфтликда, кичик груп, катта груп, синф жамоаси, рақобатдош командалар, синflарапо ва оммавий ўйинлар;

- ўйин жараёни бўйича - фикрлаш, ўйлаш, топафонлик, ҳаракатлар, мусобақа ва бошқаларга йўналтирилган ўйинлар;
- вақт меъёри бўйича - дарс, машғулот вақтининг режа бўйича ажратилган қисми, ўйин мақсадига эришгунча, ғолиб ёки ғолиблар аниқлангунча давом этадиган ва бошқа ўйинлар.

Дидактик ўйинлар воситалари, уларни тайёрлаш ва машғулотлар самарадорлигини ошириш омиллари. Ҳар бир дидактик ўйин жараёнида ўзига хос воситалар турлари қўлланилади ва машғулот жараёнида улардан турли, унумли ва хавфсиз фойдаланиш лозим. Бу воситаларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

- канцелярия товарлари - турли ўлчамлардаги оқ ва рангли қофозлар, скотч, фломастерлар, ручка, қалам, чизғичлар, қайчи, елим ва бошқалар;
- техника воситалари - проектор, микрофон, компьютер; видеокамера, видеомагнитофон, телевизор ва бошқалар;
- ўқув асбоб-ускуналари - ўқув лаборатория ва устахона жиҳозлари, ўлчов асбоблари, ўқув приборлари, мослама, механизм, модель ва бошқалар;
  - маҳаллий ва табиий материаллардан тайёрланган воситалар.

Дидактик ўйинлар ташкилотчилари улар учун ишлатиладиган ҳар бир материал билан ишлаш, улардан тегишли дидактик воситаларни тайёрлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш технологияларини пухта билишлари ва риоя қилишлари лозим. Чунки дидактик воситаларнинг сифати, кўзда тутилган мақсадларга мослиги, қулайлиги ва улардан турли фойдаланиш машғулотлар самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

## **П-БОБ. МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ**

### **2.1 Ўқувчиларнинг географик билим ва малакаларини ривожлантиришда ўйинларнинг тутган ўрни ва аҳамияти**

Ахборот кўлами кесин ошиб бораётган бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган география дарсларида ақлий зўриқишининг ошиши, ўқувчиларда ўрганилаётган ўқув материалига қизиқиши қўллаб-қувватлаш, бутун дарс давомида уларнинг фаоллигини таъминлаш устида ўйлашга мажбур этмоқда.

Шу муносабат билан ўқитишнинг янги самарали методларини ва ўқувчилар фикрини фаоллаштирадиган, билимларни мустақил эгаллашни рағбатлантирадиган методик усулларни қидириш бўйича кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кейинги вақтда ўқувчи фаолиятини фаоллаштирувчи ва самарали натижага эришишга кўмаклашувчи воситаларга эга бўлган замонавий педагогик технологияга катта эътибор қаратилмоқда. Ўйин технологияси ана шундай технологиялардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўйин – ўқувчилардаги ҳиссий ва ақлий кучларнинг зўрланишини талаб қилувчи алоҳида ташкилланган машғулот бўлиб, мустақил қарор қабул қилишни, берилган савол ёки топшириқларни бажариш орқали ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этишни талаб қиласди. *Нимани айтиши керак?, Қандай ҳал қилиши керак?, Қандай қилиб бажарииш керак?* - каби муаммоларни ечишга бўлган хоҳиш ўйин иштирокчиларининг фикрлаш қобилиятини кучайтиради.

Ўйин, энг аввало ўқувчилар учун қизиқарли машғулотdir. Ўйинда ҳамма иштирокчилар тенг шароитда бўлиб, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга ҳам ўз билимларини намойиш қилиш имконияти яратилади. Ўйин жараёнида эришилган кичик мувваффақият ҳам ўқувчиларни билим олишга қизиқтиради.

Рус географ-услубиётчиси А.С.Макаренко таъбири билан айтганда, «ҳар бир яхши ўйинда ишчи кучланиши ва фикр кучланиши мавжуддир». Географик ўйин ўқувчиларни географик билимларга қизиқтирувчи, картани билишга ундовчи, билим доирасини кенгайтирувчи, ҳозиржавоблик ва топқирилк хусусиятларини тарбияловчи, ўкув материалини қизиқарли шаклда ўзлаштиришга ҳамда билим, кўникма ва малакаларини синашга имкон берувчи қулай ҳамда самарали воситалардан бири ҳисобланади.

Географик ўйинларни ўтказиш жараёнида ўқувчилар ўлка материалларидан кенг фойдаланиб, мавжуд муаммолар, жумладан экологик, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни очиш, уларни бартараф қилиш йўлларини қидириб топишни ўрганадилар. Бу эса ўқувчиларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиради, жаҳонда ва мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликлар, экологик ҳамда иқтисодий-ижтимоий муаммолар билан таништиради, турли касблар хақида тасаввур ҳосил қилиб, меҳнат кўникмаларини ривожлантиради.

Ўкув жараёнида ўйинларни қўллаш ўқитувчининг касбий тайёргарлигига, ўкув материалларининг мазмунига, ўйин қоидаларига риоя қилиш ва тўғри ташкил этилишига, фойдаланиладиган тарқатма материалларнинг тайёрланиши ва бошқа омилларга боғлиқдир. Л.В.Занков фикрича, “ижодий меҳнат қиласидан ўқитувчи маълум даражада таълим ва тарбиянинг объектив қонунларига мувофиқ иш кўради. Бунда у қисман аллақачон маълум бўлган назарий қоидаларга таянади, қисман интуиктив йўл билан қай йўсинда бўлсада, ҳали очилмаган қонунларни синаб кўради”.

География таълимида фойдаланиладиган ўйинлар жуда хилма хил бўлиб, уларни мазмуни ва фойдаланиш мақсади бўйича қуидаги турларга ажратилади (2.1-схема)


**Информатив ўйинларнинг** асосий мақсади таълим мазмунини ўқувчилар томонидан эслаб қолинишига ёрдам беришдир. Бу ўйинлардан асосан янги дарс мавзусини ўрганишда фойдаланилади.

**Машқли ўйинлари** ўқувчиларнинг малака ва кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришда мухим рол ўйнайди.

**Мустаҳкамлаш ўйинлари** ўтилган мавзуларни тақоролаш, ўқувчилар олган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга, тақоролаш дарсларини қизиқарли бўлишига имкон беради.

**Назорат ўйинларидан** асосан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳолашда фойдаланилади. Бу ўйинлар назорат усулларини хилма-хил қилишга, эгалланган билим ва малакаларни қисқа вақт ичида текшириш ҳамда баҳолашга имкон яратади.

**Савол-жавоб ўйинлари** ўқувчилар ўртасида мусобақа тарзида ўтказилади. Бунда синфни бир нечта кичик гурӯҳларга бўлиш ва ўйин оғзаки, ёзма, конкурс каби шаклларда ўтказилиши мумкин. Саволлар викториналар, топшириқлар, жумбоқлар ёки кроссворд, чайнворд, ребуслар тарзида бўлади.



**5-чизма. Географик ўйинларнинг мақсади ва мазмунига кўра турлари**

**Стол устига қўйиб ўтказиладиган ўйинлар** географик лото, географик домино, карта бўлаклари, кубиклар ва бошқалар ёрдамида ўтказилади.

**Вазиятли-ролли ўйинларни** ўтказишда ўқувчилар олдига маълум вазифа ёки муаммо қўйилади. Бу муаммони ҳал қилишда ўқувчилар, инженер, олим, тиббиёт ходимлари, давлат раҳбарлари ёки хўжаликнинг турли тармоқлар вакиллари ролини бажариб, ўзаро мунозара қиласидилар.

**Фараз қилиши ўйинларида** ўқувчилар географик карта бўйича “хаёлий саёҳат”га чиқиб, белгиланган маршрут бўйлаб “кўрган” нарса ва ҳодисаларни тасвирлаб берадилар.

Географик лото, домино, чайнвордларни **магнитли доска ёрдамида ўтказилганда** муаммони ҳамма учун кўринадиган тарзда ечиш имкони туғилади. Бу ўқувчилар учун жуда қизиқарли ўйин ҳисобланади.

**Тест саволлари ёрдамида ўтказиладиган ўйинларда** асосан турли шакл ва мазмунга эга бўлган тестлардан фойдаланилади. “Тест” сўзи инглизча бўлиб, “текшириш”, “урганиш”, “синов”, “имтиҳон” деган маънони билдиради.

Ўйинларнинг юқорида кўрсатилган турларини танлаш дарснинг қайси қисмида ва қандай мақсад учун фойдаланилишига боғлиқдир. Ўқитувчи дарс жараёнида ёки синфдан ташқари ишларда ўйинлардан фойдаланишда ўйин турларини тўғри танлашга эътибор бериши зарур. Тўғри танланган ўйин турининг самараси юқори бўлади. Шунингдек, географик ўйин дарсини ташкил қилишда ўқитувчи аввало мавзуга оид ўйинлардан фойдаланиш технологиясини ўрганиши, ўйинларнинг сценарийсини тайёрлаб олиши мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчи учун дидактик ўйинлар қўп меҳнат талаб қиласидиган машғулот туридир. Уларни ўтказишга тайёрланиш ўқитиш жараёнини чукур англаш орқали педагогдан қўп вақт сарфлашини талаб этади. Педагогик тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, 15 кишилик гурӯх билан

1соат муайян вазиятлар устида ишлаш ўртача мураккабликда 12-15соат тайёргарлик ишларини талаб этади.

Бугунги қунда мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларининг география фани ўқитувчилари ўзига хос малака ва бой тажрибага эгадирлар. Уларнинг дарсларда қизиқарли ўйинлардан фойдаланиш тажрибалари дастлаб дарсдан бўш вақтлардаги турли тадбирлар, синфдан ташқари ишларда намоён бўлган бўлса, ҳозирда дарснинг бир қисмида, ҳатто баъзи педагоглар томонидан бутун дарс давомида қўлланилмоқда. Уларнинг фикрича, география дарсларида ўйинлардан фойдаланиш орқали ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишлари ортиб боради, билимлар онгли ўзлаштирилиб, қисқа вақт ичida сифатли билим олишга эришилади.

География дарсларида ўйинлардан фойдаланишнинг дидактик мақсадлари қуидагилардан иборат:

- олинган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш;
- янги шароитларда билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиш;
- олинган билимларни чуқурлаштириш;
- шахсий сифатларни тарбиялаш;
- ўз нуқтаи назарини исботлаш;
- Масъуллик, давлатимизнинг табиий бойликларига фуқаро сифатида жавобгарлик, Ватанга муҳаббат ҳиссиётларини шакллантириш.

География таълимида дидактик ўйинлар ўтказишида муаммоли вазият асос бўлиши хақидаги қоида тасдиқланди. Бу вазифани хал қилиш номаълумдан-маълумга томон ҳаракат қилишга имкон беради. Бунда ҳар бир ўқувчининг ижодий имкониятларидан фойдаланилади. Ўйинда ролнинг жамоа (гурух) тарзида бўлиши дидактик ўйиннинг ўзига хос фарқ қилувчи белгиси ҳисобланади, бу эса ўйиннинг тарбиявий имкониятини яна ҳам кучайтиради.

География таълимини самарадорлигини оширишда дидактик ўйинлардан фойдаланиш таъсир кўрсатишнинг муҳим белгиси, таълимни барча учун қулай бўлган суръатини таъминлашдир. Ўйин фаолияти

ўқувчиларга ўзларига қулай бўлган суръатда харакат қилишга имкон беради, бу суръат уларнинг фаолиятига мос келади.

Бундан ташқари, ролли ўйинларда ролни ўқувчининг ўзи танлаш имконияти вужудга келади, яъни мажбурийлик, мажбур қилиш элементи барҳам топгандек бўлади. Бироқ, ўйиннинг ўқув жараёнидаги катта аҳамиятини таъкидлаганда, уларни ролини ошириб юбормаслик керак. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўйинлар таълимни ташкил этишнинг бошқа шакллари билан бирга қўшиб олиб борилгандагина ўз вазифаларини яхши бажаришлари мумкин.

География дарсларида ўйинни муваффақиятли ўтказиш учун ўйин тузилишини – вазифалари, қоидалари, вазияти, харакат ва натижаларини яхши билиши зарур. Ўйиннинг таркибий қирраларини ҳисобга олиш уларни ўтказиш услубиётидаги босқичларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Бу босқичлар ўйинларнинг барча турлари учун таллуқлидир.

Ўйин ташкил этишдаги муҳим масалалардан бири синф ўқувчиларини кичик групкаларга бўлишdir. Групкаларни тузишда қўйидаги талабларга риоя қилиниши керак:

- 1) групкаларни ўқувчилар сони 5-6 кишидан ошмаслиги;
- 2) ҳар бир групкаларни ўқувчилар бир-бирларини билиши, ўзаро муносабатларининг яхши бўлиши ҳисобга олиниши;
- 3) групкаларни ўқувчиларининг шахсий сифатлари, география фанига қизиқишилари ва умумий тайёргарлик даражаларига эътибор берилиши;
- 4) иштирокчиларга вазифаларни тақсимлашда уларнинг қизиқиши ва қобилияtlари ҳисобга олиниши зарур.

Ўқувчиларни аввало, ўйин қоидалари билан таништириш, унинг моҳиятини тушунтириш, қандай вазифаларни бажариши ҳамда нималарга эътибор бериши кераклигини билиш лозим. Ўйин жараёнида ўқитувчининг вазифаси эса ўқувчиларни кузатиш, қандай қатнашганликларини ҳисобга олиш ҳамда бажарилган ишларга қараб уларни баҳолашдир.



#### *6-чизма. “Кичик гурухларда ишилаш” методининг таркибий тузилмаси*

Таълим жараёнида географик ўйинларни ташкил этишининг қуйидаги босқичларини ажратиш мумкин:

**Биринчи – тайёргарлик босқичида** ўқитувчи ўқувчиларга дарс жараёнида ўйинни ташкил қилиш учун нималарга эътибор бериш зарур эканлигини тушунтиради. Кейинчалик ўқувчиларнинг мустақил ишлаш лаёқатлари ортиб бориши билан ўйин жараёнида зарурий билимлар табиий танланиб борилади. Маълумотларни мустақил танлаб олиш лаёқатининг ортиб бориши ўқувчиларни дидактик ўйинларга тайёргарликларини оширади. Тайёргарлик босқичида қуйидагилар ҳал этилади:

1. Ўйиннинг мақсадини белгилаш, яъни ўйин орқали ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажмини аниқлаш;

2. Қуйидаги талабларга жавоб берадиган вазиятларни яратиш:

- а) ўйиннинг ўқувчилар тайёргарлик даражаси ва ёш хусусиятларига, ўқув ишларидағи аниқ муаммоларга мос бўлиши;
- б) ўйин кўринишларини аниқ белгилаш, яъни ўйин таркибиға киравчи ҳолатларни айрим қисмларга ажратиш;

3. Ўйин қоидасини ишлаб чиқиши. Бунда ҳар бир иштирокчига алоҳида-алоҳида вазифалар белгиланиб, тасодифий ҳолатлар содир бўлганда нималар қилиш кераклиги, ўйиннинг бошланиши ва тугаши, ҳаракатлар сони кўзда тутилади;

4. Ўйин тафсилотини ёзиши. Бунда бошқарувчи ва ҳар бир иштирокчи ҳаракатларини тасвирлаб, иштирокчилар учун маҳсус кўрсатма тайёрланади.

**Иккинчи босқич** - ўйинни ташкил этиши. Бунда аввало ўрганилаётган бўлимга оид ўйинни бошланиши ҳақида ўқувчиларга хабар қилинади, ўйинни тайёрлаш ва ўтказиш учун бошқарувчи танлаш ва сайлаш амалга оширилади. Бошқарувчи сифатида одатда, кичик гурӯҳ бошлиқлари кўрсатилиб, улар ўйин қоидасини пухта ўрганадилар, ўйин жараёнидаги ҳолатларни мустақил ишлаб чиқадилар. Ўйиннинг натижалари турлича бўлиши мумкинлигини олдиндан тасаввур қиласидилар.

**Учинчи босқич** - ўйинни ўтказиш. Ўйинни ўтказиш услуби қатъий белгиланмайди, ўқувчиларга эркинлик берилади ва уларнинг ижодкорлиги рағбатлантирилади.

**Тўртинчи босқич** - ўйин натижаларини таҳлил қилиши. Бу ўринда ўқитувчи ҳал қилувчи мавқега эга бўлади: у ўқувчиларнинг ўйин жараёнида ўзлаштирган билимларини тартибга солиш, ўйин иштирокчиларини фикрларини аниқлаш сингари масалаларни ҳал қиласиди.

Гурӯҳлараро ўйинлар ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияtlарини ўстиради, географик билимлари ортиб боради. Демак, ҳар қандай дидактик ўйинга тайёргарлик даврида унинг мақсадини аниқ белгилаш керак. Ўйин қатнашчиларига унинг қоидасини таништириш лозим. Бу босқичда вазифалар тўла бажарилиши зарур. Ўйин қоидаларини оғзаки тушунтириш

билин чегараланмай, аниқ кўрсатмалар бериш, эсталик тузиб уларга тарқатиш, ўқувчиларга ўйиндаги барча ҳолатларни атрофлича тушунтириб, энг муҳими нималарга эътибор бериш зарурлигини таъкидлаш лозим. Ўйин натижаларини баҳолаш мезони қуидагилардан иборат (2.1-жадвал)

## **2-жадвал. Ўқувчиларни баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари**

Гурух	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари					Жами
	жавобларни түғери ва тўлиқлиги	Гурух иштирок чиларининг фаоллиги	фикр юритишдаги аниқлик ва мантиқийлик	кўргазмали қуроллардан фойдаланил шии	нутқ маданияти ва географик иборалардан фойдаланилиши	
балл	1,0	0,5	0,5	0,5	0,5	3
1						
2						
3						

## **3-жадвал. Гурухларга қўйилган баллар кўрсаткичлари**

Гурух	1	2	3	Умумий балл	Баҳо
1					
2					
3					

Ўйин натижаларини ўқиб чиқиш, хулосалаш ўқувчиларнинг бўлим ёки мавзуларни қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлашга имкон беради. Ўйин сўнгига ўқувчилар билимини баҳолаш, уларни рағбатлантириш муҳим бўлиб, билимга бўлган қизиқишиларини янада оширади, ҳар қандай муаммога атрофлича ёндошишга ундейди, дарслик ва бошқа манбалар асосида мустакил билим олиш имконини беради.

Дидактик ўйинлар имкониятларини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш таълим мазмунининг ўзига хослиги география курси учун ўйинларнинг энг мақбул турлари – саёҳат, комплекс экспедициялар, лойиҳаларни ҳимоя қилиш, матбуот конференцияси, давра сухбати каби ўйинларни белгилаш имконини беради. Таълим жараёнида бу

ўйинларни қўллаш ўқувчиларнинг билимлари ва малакалари сифатига сезиларли равишда таъсир қиласи, фанга бўлган барқарор қизиқиши шакллантиришга ёрдам беради ва ўқув юкламасини камайтиришга олиб келади.

Кузатув ва илмий-тажриба ишларидан шу нарса маълум бўлдики, қобилият даражаси ва ўзлаштириши турлича бўлган ўқувчилар ўйинларга бир хилда ижобий муносабатда бўлар эканлар.

## **2.2 Мактаб география курслари бўйича айрим мавзуларни ўқитишида дидактик ўйинлардан фойдаланиш усуллари**

Таълимнинг бугунги кундаги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишида фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдалана олишга ўргатишдан иборат. Бунинг учун уларга узлуксиз равишида мустақил ишлаш шароити ва имкониятини яратиб бериш зарур.

География таълимида ўйинлардан дарс жараёнида ва синфдан ташқари ишларда фойдаланиш мумкин. Дарс жараёнида ўйинлардан янги дарс мавзусини ўрганишда, мустаҳкамлашда, ўтган дарс мавзусини такрорлашда ҳамда ўқувчиларнинг билим ва малакаларини текшириш ва баҳолашда фойдаланилади.

Синфдан ташқари ишларда эса тўгарак йиғилишларида, географик кеча, «анжуманлар», баҳслар-диспутлар ўтказишида фойдаланилади.

Дарс жараёнида фойдаланиладиган ўйинлар ихчам, қизиқарли ва қисқа вақт давом этадиган бўлади. Синфдан ташқари ишларда эса ўйинларнинг турлари кўпайтирилади ва уларга ажратилган вақт ҳам етарли, яхни давомли бўлиши мумкин. Бундай пайларда ўйинларда кўпчилик ўқувчилар иштирок қилишларига имконият яратилади.

Географик ўйинлар ҳам ўзига хос услуб бўлиб, улар қуйидаги сифатлар билан ажралиб туради.

1. Синфдаги ҳамма ўқувчилар ўйинга иштирок қиласылар.
2. Машғулотларда эркин мухит яратылады.
3. Ўйин пайтида ўртага қўйилган асосий муаммо ёки вазифани ҳал қилишда ҳамма ўқувчилар фаол қатнашадилар.
4. Ҳар бир ўйин қоидаси олдиндан аниқланади ва ўйин ўтказишида унга амал қилинади.
5. Ўйин натижаси олдиндан билинмайди. Ўйиндан сўнг тегишли хуноса чиқарилиши мумкин.

Ўйинлар юқоридаги сифатлари билан ўйин қатнашувчиларига кучли ҳиссий таъсир кўрсатади. Уларни билим олишга, кўпроқ нарсани ўрганишга ундейди. Ўқувчиларнинг фаоллигини оширади, уларга ўз имкониятларини текшириб кўришга, интизомни ва ўз билимини амалда қўллай олиш малакасини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

География таълимида ўйинлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун қуйидаги услубий талабларга эътибор берилиши зарур.

1. Ўқувчиларни қизиқтирадиган ва уларнинг билим савияси, ёш ҳамда психологияк хусусиятларига мос келадиган ўйинларни танлаш лозим;
2. Ўйинлар дарс материали билан узвий боғланган ва унга асосланган бўлиши зарур. Дарс жараёнида ўйинларга 5 – 10 минут ёки чорак охирида ва йирик мавзуларни тақрорлашда алоҳида дарсни ҳам ажратиш мумкин.
3. Ҳар бир ўйин аниқ бир мақсадга бўйсундирилиши зарур.
4. Ҳар бир ўйинни ўтказишидан аввал унга пухта тайёргарлик кўрилиши, зарур жиҳозлар ва тарқатма материаллар (саволлар, жадваллар, карталар, контурлар, лото ва домино тахталари ва бошқалар)ни олдиндан тайёрлаб қўйилиши керак.
5. Ўйин қоидалари, қоидага қатъий риоя қилиниши, ўқувчиларга олдиндан яхшилаб тушунтирилиши керак.
6. Ўйин давомида шундай шароит яратилсинки, унда ҳар бир ўқувчи тортина масдан иштирок эта олсин

7. Ўйинда фаол қатнашган ва унинг шартини тўғри бажарган ўқувчилар албатта рағбатлантирилиши, лозим.
8. Ўйин натижалари таҳлил қилиб борилиши керак.

Хозирги кунда мамлакатимиз умумтаълим мактабларида кенг қўлланилаётган географик ўйинларни қуидаги групкаларга бўлишимиз мумкин:

**Машқли географик ўйинлар** – топишмоқлар, чайнвордлар, кроссвордлар, ребуслар, викторина, лото, домино ва бошқалар.

Машқ – ўқувчининг дарс жараёнидаги амалий кўникмаларини шакллантирувчи фаолият тури. Бу фаолият ўқувчини назарий маълумотнинг туб мазмун-моҳиятини ўзлаштириш ўзидан ўтказиш, қарор қабул қилиш, танқидий ва ижодий фикрлаш ҳиссиётларни бошқара олиш каби маданиятини ривожлантиради. Интерфаол машқлар ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчи ҳамкорлигига асосланган бўлади. Бунда ўқувчи билим олишга ўз хоҳиш, истак ва қизиқишлари орқали жалб қилинади, янги билимларни мақсадли ўзлаштириш йўлларини ўрганади. Амалда синовдан ўтказади. Ўқув материалини пухта билиб олишнинг осон йўлидан боради.

Шу ўринда “Маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик” машқининг ўтказиш босқичларини ўқитувчиларга дарс жараёнида қўллашлари учун тавсия қиласиз.

1- қадам. Ўқитувчи ўқувчиларга уйга вазифа сифатида кейинги дарсга газета ёки журнал олиб келиш топшириғини беради.

2- қадам. География дарсида ўқувчилар ушбу газета ёки журналдаги ўзлари учун янгилик бўлган воқеалар акс эттирилган информацияларни ажратиб олишлари мумкинлиги айтилади. Бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади.

3- қадам. Ўқувчилар кичик групкаларда ишлаш учун ўқитувчи ёрдамида алоҳида етти кишидан иборат групкаларга ажратилади ва ҳар бир груп алоҳида столда жойлашади.

4- қадам. Ўқитувчи томонидан ўқувчилар ўтирган гурухлар столига дунё ҳаритаси ёпиширилган филипчарт қоғози қўйилади.

5- қадам. Кичик гурухларда ишлаш учун иштирокчиларга қизиқарли бўлган янги маълумот ва ахборотлар сараланиши лозимлиги айтилади. Саралаб олинган маълумотлар 5 дақиқа ичидаги кесиб олинади.

6- қадам. Амалга оширилган иш яъни маълумотлар содир бўлганлигига қараб дунё ҳаритасидаги мамлакатларнинг ўзига мос бўлган худудда жойлаштириллади.

7- қадам. Кейинги босқичда ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган ишлардаги янгиликлар гурухланади. Масалан: Мавзуларга оид: иқтисодиётга, сиёсатга ва фан тараққиётига, спорт ва маданиятга, ўсимликлар дунёсига ва бошқа йўналишларга.

8- қадамда энг фаол иштирок этган мамлакатлар ҳақидаги маълумотлар ажратиб кўрсатилади ва бу фаолликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гурухда фикрлар мухокама қилинади.

9- қадам. Кичик гурухдаги маълумотлар ўртасидаги боғлиқликлар бизнинг давлатимиз билан нечоғлик ҳамкорликда амалга оширилишига қараб рангли маркерлар орқали узвий боғлиқлиги аниқланади.

10- қадам. Гурух томонидан амалга оширилган иш бир иштирокчи томонидан тақдимот қилинади. Шунингдек, барча гурухлар фаолияти тақдимот қилинади. Тақдимот савол-жавоблар орқали тўлдирилиши мумкин.

Дарсни олиб борувчи ўқитувчи машқ якунидаги ўқувчиларга ўқув цикли бўйича қуйидаги саволларни беради:

1. Машқ сизга ёқдими?
2. Сиз ушбу машқни бажариш жараёнида нималарга эътибор бердингиз?
3. Гурухда ишлаш жараёнида қайси ўртоғингизнинг фаолияти ёқди? Аксинча сиз машқни амалга ошириш жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

4. Сўнгра умумлаштирувчи савол сифатида ушбу машқ сизга нима берди, Сиз қандай янги информация ёки маълумотлар билан танишдингиз каби саволлар билан ўқувчиларнинг ўзлаштирилган билим, қўникума ва малакаларини таҳлил қиласи ва баҳолайди. Ушбу машқни 9-синф география дарсларида фойдаланиш ижобий натижа беради.

Шунга ўхшаш вазиятлар орқали ўтказилган машқлар дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда жиддий таъсир этувчи омилдир. Интерфаол машқларни ўтказиш учун ўқитувчи ташкилий-педагогик, илмий-методик амалий-дидактик жиҳатдан пухта тайёргарлик қўриши керак.

2. *Карта бўйлаб саёҳат ўйинлари* – берилган маълум йўналиш, алоҳида регион бўйича карталар асосида саёҳат ёки "Экспедиция" тариқасида олиб борилади. География таълимида картани ўқувчиларга ўргатишнинг аҳамияти катта. Бу тўғрида Н.Н.Баранский «Карта – географиянинг бошланиши ва охири» деб баҳо берган эди. Ҳакиқатдан ҳам қайси ўқувчи географик картани билса ва уни ўқий олса, дарс материалини тўғри ўзлаштиради ва географияга қизиқиши ортади. Географик картани ўрганмасдан туриб ўқувчиларга географик билимиларни чуқур ва кенг сингдириб бўлмайди.

3. *Мусобақа ўйинлари* – синф ўқувчилари кичик гурӯхларга бўлинниб, маълум топшириқлар асосида ўзаро мусобақалашадилар, топшириқларни тез ва аниқ топилиши ғолибни аниқлаб беради;

4. *Ролли ўйинлар* – ўқувчилар маълум муаммони ҳал қилишда қатнашадилар.

Синфдан ташқари вақтларда географик ўйинлардан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Ҳаркатли географик ўйинлар, викториналар, ребус, кроссворд, лото, домино ва бошқалардан фан кечаларида фойдаланилади. Дарснинг маълум қисмларида 10-15 минут дарсни мустаҳкамлаш учун топишмоқлар, карта бўйлаб саёҳатлар, топшириқларни тез ва аниқ бажариш бўйича мусобақалар ташкил қилинади. Ўйин дарслари дарснинг ҳаммасини ёки икки дарсни қамраган ҳолда бўлиб, ўқувчилар маълум ролларни

бажарадилар. Ўқувчилар тегишли манбалар асосида мутахассис олим, раҳбарлик ролларини бажариб, муаммоларни ҳал қилишда қатнашадилар.

Мутахассислар сифатида янги корхоналарни қуриш, хўжалик ҳисобига ўтиш каби жараёнларда иқтисодчи, қурувчи олим ва шу каби мутахассислар бозор иқтисоди шароитида хўжалик юритишнинг янги шакллари билан танишадилар.

Топширилган ролни бажариш янги позицияни эгаллаш, янги жамоат фаолиятида шахсий фаоллик ўқувчиларни мустақил ишлашга ундейди. Шунинг учун ўқувчилар айниқса, бош ёки раҳбарлик ролларини беришларини сўрайдилар. Ролли ўйинлар мазмунини, асосини реал муаммолар, экологик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ёки уларнинг комплекс хусусиятлари ташкил қилиши мукин.

Шуни айтиш керакки фантастик, адабий сюжетлар рухи дарсни янада қизиқарли бўлишига хизмат қиласи. Инсоният олдида турган долзарб муаммоларга, уларни босқичма-босқич ҳал қилишга ўқувчилар қатнаштирилади. Шуни ҳисобга олиш керакки, тайёргарлик кўриш учун дарслик билан ишлаш, карталардан фойдаланиш, қўлланма материаллар, илмий-оммабоп адабиётлар таҳлил қилиш, таққослаш, хулосалаш, муҳокама қилиш, қарама-қарши фикрларга яқун ясаш, ўз фикрини исботлаш масъулияти мавжуд.

Роли ўйинлар мустақил ижодий фаолиятдан иборат бўлиб, индивидуал, гурухли ва фронтал тарзда қўлланиши мумкин. Олтинчи синф ўқувчилари билан фронтал ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади. 7-8-9 синфларда эса индивидуал, гурухли формаларда амалга оширилади. Синфни 3-4 гурухга бўлиб, уларга маълум топшириклар берилиб, натижаси кутилади. Гурухлараро мусобақалар уюштириш ҳам мумкин.

«Картографик лото» ўйини.

Ўзбекистон Республикаси контур картасида 4 қатор ажратилади:

1.  $37^{\circ} - 39^{\circ}$  шим. кенгликлар;
2.  $39^{\circ} - 41^{\circ}$  шим. кенгликлар;

**3. 41° – 43° шим. кенгликлар;**

**4. 43° – 45° шим. кенгликлар.**

Ҳар бир қаторда беш географик объектга савол аломати қўйилади. Карталар бўйича жами 20 та объектга савол аломати қўйилган бўлади. Шундай тартибда ҳар хил вариантларда контур карта тайёрланади. 2x1 см катталикда қоғоз қирқилиб, унга савол аломати қўйилган объектларнинг номи ва номери ёзилади. Ўйин вақтида ўқитувчи ёки бошқарувчи халтачадан қоғозчаларни олиб ундаги объектларнинг номларини ўқиди. Ўқувчилар эса айтилган географик номни ёзувсиз харитадан савол аломати қўйилган объектлар бўйича топиб, уни номер ёзилган қоғозча билан ёпадилар. Ким биринчи бўлиб сўроқ аломати қўйилган объектларни тўғри топса, яни тўғри «ёпса» ўйин ғолиби ҳисобланади.

*«Зоогеографик домино» ўйини.*

Ўйинни ўтказиш учун 30 та карточка тайёрланади. Карточкага бирор ҳайвоннинг расми чизилади ёки ёпиширилади. Ҳар бир расмнинг тагига табиат зоналаридан бирининг номи ёзилади. Улардаги ёзувларнинг кўплари расмга мос келмайди. Ўйин пайтида карточкалар ўқувчиларга тарқатилади. Ўқувчиларнинг вазифаси расм билан ёзувни мос келиши ва келмаслигини аниқлашдир. Қайси ўқувчи ўзига берилган карточкаларни тез ва тўғри ажратса, ғолиб ҳисобланади. Бу ўйин ўқувчиларнинг ҳайвонот дунёсини ва уларни табиат зоналар бўйича тарқалишини билиб олишларида ёрдам беради. Бу ўйиннинг “геоботаник домино”, “топографик домино”, “географик домино” шаклларида ҳам ўтказилиши мумкин.

## **География таълимида фойдаланиладиган ўйинлар**

### **Географик картани ўрганиши бўйича:**

«Картани биласизми», «Географик силуэтлар», «Географик почта», Картографик лото», «Карта бўйлаб саёҳат» ва бошқа ўйинлар

### **Шартли белгиларни ўрганиши бўйича**

«Ватанимиз фойдали қазилмаларини биласизми?», «ожай планини тузинг», «топографик диктант», «Топографик домино», «Топографик лото», «Шартли белгилар» почтаси ва бошқа ўйинлар

### **Географик номлар, атамалар, тушунчаларни ўрганиши бўйича:**

«Географик номлар халқаси», «шаҳарлар халқаси», «дарёлар халқаси», «кўллар халқаси», «ороллар халқаси», «шаҳар дарё бўйида жойлашган», «географик тушунча ва атамалар, «тўртинчиси ортиқча» ва бошқа ўйинлар

### **Географик билим ва малакаларини ривожлантириши бўйича:**

. «Голиб қатор», «Ўлкашунослар», «Расмда қандай географик ходиса ёки обьект тасвирланган?», «Табиат зоналарини биласизми?» ва бошқа ўйинлар

### **Экологик муаммоларни ўрганиши бўйича**

«Чучук сув муаммоси”, «Фарғона водийсининг ер ресурслари ва уларни муҳофаза қилиш», «Ўзбекистоннинг кўриқхоналари ва табиий буюртмалари» ва бошқа ўйинлар

**5-чизма. География таълимида фойдаланиладиган ўйинлар**

Картани ўрганишда қуидаги ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

*«Географик карта бўйича ҳаёлий саёҳат» ўйини.*

Синф бир неча гурухларга бўлинади. Ҳар бир гурухга карта бўйича ўтказиладиган «ҳаёлий саёҳат» маршрути белгилаб берилади. Ҳар бир гурух турли адабиётлардан фойдаланган ҳолда, карта бўйича қилинган «ҳаёлий саёҳат» маршрутида учраган обьектларга қисқача тавсиф ёзади. «Саёҳатлар» маълум босқичлар бўйича ҳам ўтказилиши мумкин. Масалан, агар шу ҳафта ичida гурух азолари қониқарли баҳо олишса ва тартиб-интизомни бузишмаса ўз маршрутлари бўйича «саёҳатни» давом эттиришларига руҳсат берилади.

«Саёҳатни» турли «транспорт» турларидан фойдаланиб ўтказилиши мумкин. Ҳар чорак охирида «саёҳатлар»нинг «ҳисоботлари» таҳлил қилиниб, ўйин давомида саёҳатни ўз вақтида тутатган ва «ҳисоботлари» юқори баҳоланган гурух ғолиб бўлади.

«Саёҳатлар» ўйини хамма синфларда ўтказилиши, синфда ўзлаштиришни ва интизомни яхшилашда яхши самара бериши мумкин. Ўқувчиларга географик картани шартли белгиларини чуқур ўргатиш лозим. Қуида географик карталарнинг шартли белгиларини ўрганишга ёрдам берадиган ўйинларни келтирамиз.

*«Шартли белгилар» почтаси ўйини.*

100x700 см катталиқдаги рамка ясалади ва унга конверт халтачари ёпиштирилади. Ҳар бир конверт халтачаларига турли шартли (географик, топографик, метеорологик) белгилар чизилади ёки чизилган қоғозча ёпиштрилади. Конверт халтачалари катталигига мос келувчи ва уларнинг иичига солиб қўйиладиган карточкалар олиб қўйилади. Сўнгра чақарилган ўқувчига карточкалардан бир нечтаси, масалан бештаси берилади. Ўқувчи карточкага ёзилган шартли белги номини овоз чиқариб ўқийди ва уни мос келувчи шартли белгили конверт халтачага солади. Бу ишни қандай бажарилишини синф ўқувчилари кузатиб турадилар. Агар ўқцвчи хато қиласа, бошқа ўқувчи уни тузатиши мумкин. Карточкада ёзилган ном конверт халтачасига чизилган шартли белгига мос бўлиши лозим. Ўйин пайтида ким

түғри ва кўп балл тўпласа ғолиб ҳисобланади. Ўртоғининг ҳатосини тўғрилаган ўқувчига қўшимча балл берилади. Бу ўйинлар турли шартли белгиларни ўрганиб олишга ўқувчиларни ундаиди. Ўйинлар ҳар чорақда бир неча марта тақориј ўтказилиб, турилса мақсадга мувофиқ бўлади.

### «Ўлкашунослар» ўйини.

Ўйин иштирокчиларига қўйидагилар ёзилган карточкилар тарқатилади:  
1.Тоғ. 2.Текислик. 3.Дарё. 4.Кўл. 5.Ўсимлик. 6.Ҳайвонот. 7.Тупроқ.  
8.Фойдали қазилма. 9.Саноат тармоқлари. 10.Асосий экинлари. 11.Транспорт  
турлари. 12.Миллатлар. 13.Шаҳарлари.

Ўқитувчи томонидан айтилган бирор мамлакат ёки ўлка бўйича 8 минут ичида дарслик ва карталардан фойдаланмасдан жавоб ёзилади. Бирор ўқувчи: «Мен тайёр бўлдим», - дейиши билан ўйин тугатилади. Ёзувлар текширилади. Ҳар бир тўғри ва тўлиқ жавоб учун 2 очко берилади. Кўп очко олган ўқувчи ғолиб ҳисобланади.

### «Расмда қандай географик ҳодиса ёки объект тасвиrlenган» ўйини.

Бу ўйинни ўтказиш учун олдиндан турли географик ҳодисалар ва объектларни тасвиrlовчи расмлар тайёрланади. Ўйин пайтида расмлар кўрсатилади ёки чақирилган ўқувчига берилади. Ўқувчилар расмда нима тасвиrlenганлигини айтади ва уни изоҳлайди. Бунда расмларда ёзувлар бўлмаслиги керак.

Мисол: 4-расмда қандай объект тасвиrlenган?, Қайси расмда у тўғри тасвиrlenган?

Қуйида мактаб география курсларининг айрим мавзуларни ўқитишида географик ўйинлардан фойдаланиш бўйича дарс ишланмаларини тавсия этамиз.

## **“Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” курси бўйича**

### **айрим мавзуларини ўқитишда ўйинлардан фойдаланиш.**

1. Географик картани ўрганиш бўйича ўтказиладиган ўйинлар.

**“Географик картани биласизми” ўйини.** Ўйинни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси чегаралари туширилган деворий контур карта, шартли белгилар жадвали, картондан қирқиб, турли рангларга бўялган доиралар зарур бўлади. Рангли доирачалар республикамиз ҳудудидаги дарё, кўл, тоғ, қазилма конлари ва бошқа географик объектларни кўрсатиш учун ишлатилиди. Жадвал контур картанинг ёнига осиб қўйилади.

Рангли доирачаларнинг бир қисми магнитли доскага ўрнаштирилган контур картадаги географик объектларга қадаб қўйилади. Чақирилган ўқувчи алоҳида ҳалтачага солиб қўйилган доирачалардан бирортасини олади. Масалан, у яшил рангли доирачани олди, дейлик. Жадвалда бу ранг текисликларни билдиради.

1-жадвал.

T/p	Географик объектлар	Шартли белгилар
1	Даёлар	
2	Кўллар	
3	Тоғлар	
4	Текисликлар	
5	Нефть конлари	
6	Табиий газ конлари	
7	Олтин конлари	
8	Кўмир конлари	
9	Мармар конлари	

Ўқувчи ёзувсиз харитадаги республикамиз худудида жойлашган яшил доирачалар қадаб қўйилган текислик номини айтади. Ном тўғри айтилса, доирача контур картадан олиб ўқитувчига топширилади. Топиш учун 1 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тўғри топилган объект учун 1 балл берилади. Тўғри топилмаган объектдаги доирача олинмайди. Кейинги чақирилган ўқувчи уларни топиши мумкин.

Доска ёнига чақирилган ўқувчи ҳалтачадан 5 та доирачани олиб уни аниқлайди. Навбат билан бошқа ўқувчилар ҳам доска ёнига чиқиб доирачалар қадалган оролларни ва бошқа объектлар номларини айтишади. Тўпланган баллар бўйича ўқувчилар баҳоланади. Агар синфда ўқувчилар сони жуда кўп бўлмаса, доираларнинг сони 5 тадан 10 тагача кўпайтирилиши мумкин.

2. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси курсидаги 43-дарс “Ўзбекистон иқтисодиётини ҳудудий ташкил этиши ва иқтисодий географик районлаштириши” мавзусини ўтишда қуидаги ўйиндан фойдаланиш мумкин. Ушбу ўйинни ўtkазиш учун эскирган атлас карталаридан, хусусан сиёсий-маъмурий карталардан фойдаланилади. Карта маъмурий туманлар бўйича бўлакларга бўлиб чиқилади. Қирқилган карта бўлаклари тартибсиз равишда аралаштириб қўйилади.

Доска ёнига 2 та ёки 3 та ўқувчи чиқарилади. Ҳар бирига қирқилган карталардан қисқа вақт(3 дақиқа) ичida яхлит картани ҳосил қилиш топширилади. Ким тез ва тўғри бажарса, ғолиб ҳисобланади. Бу ўйинни магнитли доска ёрдамида ёки пластилиндан фойдаланиб бажариш мумкин. Бунинг учун карта бўлаклари орқасига магнит ёпиштирилади. Магнитли доска бажарилган ўйинни синфдаги барча ўқувчилар кузатиб туриши ўйинни янада қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Ўйин ўқувчиларда географик объектларнинг қиёфалари ва фазовий жойлашишини билиб олиш кўникмаларини тарбиялашга ёрдам беради.

3      **“Географик почта” ўйини.** Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси курсининг ИИ қисмида мамлакатимизнинг иқтисодий

районлари ўрганилади. Бир нечта иқтисодий район ўрганилгач, хусусан ўтилган дарсларни такрорлаш, ўқувчиларнинг билимларини текшириш мақсадида “географик почта” ўйинини ташкил этиш мумкин. Бунинг учун рамкага катталиги 16x11 см бўлган 3 та конверт ҳалтачалари ёпиширилади. Уларга шу кунга қадар ўтилган иқтисодий районлар –Тошкент, Мирзачўл ва Фарғона иқтисодий районлари номлари ёзиб қўйилади.


Ўйин иштирокчиларига тенг микдорда шу иқтисодий районлар худудида жойлашган тоғликлар, текисликлар, дарёлар, конлар, шаҳарлар ва бошқа географик обьектлар номлари ёзилган картачалар тарқатилади. (2-жадвал).

**2-жадвал. Иқтисодий районлар худудида жойлашган географик обьектлар номлари (картачаларга ёзилади)**

№	Тоғлик ва текисликлар	Дарё, канал ва қўллар, сув омборлари	Йирик шаҳарлар ва туманлари	Йирик конлар
1	Нурота	Чирчиқ	Оҳангарон	Маржонбулоқ
2	Фарғона тизмаси	Сангзор	Ховос	Жанубий Оламушук
3	Марҳамат адирлари	Шоҳимардон	Қибрай	Чимён
4	Туркистон тизмаси	Нанай	Паркент	Ангрен
5	Чотқол тизмаси	Бўзсув	Наманган	Қалмоққиркон
6	Зомин тоғлари	Ғовасой	Бўстолик	Қўроғошинкон
7	Олой тизмаси	Зомин	Андижон	Чодак
8	Қурама тизмаси	Косонсой	Янгийўл	Оқтош
9	Утом	Оҳангарон	Жиззах	Қўйтош
10	Олтиариқ адирлари	Жан. Фарғона	Фарғона	Қоратош
11	Қува адирлари	Сирдарё	Гулистон	Узун
12	Писталитоғ	Андижон	Марғилон	Хўжаобод
13	Ғўбдин	Шаҳрихонсой	Қўқон	Полвонтош
14	Бахмал	Сўҳ	Янгиер	Андижон
15		Исфара	Қувасой	Мингбулоқ
16		Туябўғиз	Асака	Учқулоч

Ўқувчилар картачаларни, яъни географик обьект номларини мос келувчи конверт ҳалтачалар (иқтисодий районлар)га солишади. Бунда


географик объектларни “адресини” тўғри ва тез топган ўқувчи ғолиб ҳисобланади. Ушбу ўйинни синфни кичик гурухларга бўлган ҳолда ўтказиш ҳам яхши натижа беради.




Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси курсининг И қисмида 4-дарс “Табиий шароит ва табиий бойликларнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти” мавзусини ўтишда қуидаги ўйиндан фойдаланиш мумкин.

#### 4 “*Ватанимиз фойдали қазилмаларини биласизми?*” ўйини.


Ўйинни ташкиллаш учун 2x3 см катталикдаги картон қофозларга фойдали қазилмаларнинг шартли белгилари тайёрланади. Масалан,




Тошкўмир




нефть



табиий газ



олтин



мармар

Ўқувчилар ўйинда Ўзбекистоннинг маъмурий-сиёсийёки контур картасига у ёки бу шартли белгиларни мос жойларга жойлаштирадилар. Шартли белгилар картага пластилин ёрдамида ёки магнит ёрдамида ёпиштирилади. Картага тўғри қўйилган белги учун бир балл берилади.

## II. Географик номлар, атамалар, тушунчаларни ўрганиш бўйича ўтказиладиган ўйинлар.

**1. “Географик номлар ҳалқаси” ўйини.** Бу ўйин “Шаҳарлар ҳалқаси”, “Дарёлар ҳалқаси”, “Кўллар ҳалқаси”, “Ороллар ҳалқаси” ва бошқа варианtlарда ўтказилиши мумкин. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси курсида 6-дарс “Аҳоли манзиллари” мавзусини ўтиш давомида “Шаҳарлар ҳалқаси” ўйинини ташкил этиш мумкин.

Ўйин тартиби: синф кичик гурухларга бўлинади. Гурухларга берилган асосий топшириқлар тақдимоти ўтказилгач, “Шаҳарлар ҳалқаси” ўйини бошланади. Ўйин пайтида гуруҳ аъзоларидан бир киши Ўзбекистонда жойлашган бирор шаҳар номини айтади. Навбат билан бошқа гуруҳдаги ўқувчилар айтилган номнинг охирги ҳарфидан бошланувчи бошқа обьект номини айтади. Масалан, Андижон – Наманган – Нукус – Самарқанд – Денов – Вобкент – Тошкент – Термиз - Зарафшон ва ҳоказо.

Ўйин шарти: Бир марта айтилган номлар қайтарилмайди. Ўйин ғолиб аниқлангунигача давом эттирилади. Бу ўйиндан тўгарак йигилишларида ҳам фойдаланиш мумкин.

**2. “Иқтисодий географик тушунчалар ва атамаларни биласизми?” ўйини.** Ўйин турли варианtlарда ўтказилиши мумкин.

А) Ўқитувчи иқтисодий географияга доир атама ва тушунчаларни айтади. Масалан, аҳоли манзилгоҳи, ёқилғи-энергетика саноати, иқтисодий географик ўрин, сиёсий географик ўрин, аҳолининг табиий кўпайиши ва бошқалар. Ўқувчилар эса уларни изохлаб беради ёки тушунчанинг таърифини айтади. Ушбу ўйиндан ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш, ўтилган мавзуни такрорлаш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Б) Қуйидаги рўйхатда келтирилган саноат корхоналарини оғир саноат ёки "А" гурухи ва енгил ҳамда озиқ-овқат саноати ёки "Б" гурухлари бўйича ажратиб уларни мос келувчи жадвал устунига номерларини ёзинг:

1. Ёқилғи-энергетика саноати, 2. Кимё 3. Автомобилсозлик 4. Тұқимачилик  
5. Қанд-шакар ишлаб чықариш, 6. Приборсозлик, 7. Рангли металлургия, 8.  
Пахта тозалаш, 9. Ёғ-мой саноати, 10. Самолётсозлик.

<i>Оғир саноат</i>	<i>Еңгіл саноат</i>
1,2,3,6,7,10	4,5,8,9

Юқоридаги ўйинларни үтказиш учун күп нусхадаги топшириқлар олдиндан тайёрлаб қўйилади.

Дидактик ўйинли машғулотлар орасида ролли ўйин машғулотлари ҳам муҳим ўрин тутади. Шулардан мактаб география таълимида кенг қўлланладигани конференция машғулотларидир.

Конференция машғулотлари ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашини кенгайтиришда, қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништиришда, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини орттириш, мустақил ҳаётга онгли тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Конференция машғулотини ўтишдан аввал машғулот мавзусини, мақсад ва вазифаларини белгилаб, шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётлар кўздан кечирилади. Машғулотни үтказишдан 1 ҳафта олдин машғулот мавзуси эълон қилиниб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия этилади. Ушбу машғулотда «Олимлар» ролини танлаш, мавзуни ҳар томонлама ёритиш, маъруза тайёрлаш ўқувчиларнинг ихтиёрида бўлади.

***Илмий конференция машғулотини қуийдагича үтказиш тавсия этилади:***

1. Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи машғулотнинг мавзуси, мақсади ва вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи «Олимлар» билан ўқувчиларни таништиради.

2. Илмий маърузаларни тинглаш. “Олим” ўқувчилар мавзу юзасидан тайёрлаган маърузаларини кўргазмали куроллар асосида баён қиладилар.

3. Маъruzалар муҳокамаси. Бунда «Олимлар» ва синфдаги бошқа ўқувчилар ўртасида мавзу юзасидан баҳс-мунозара ўтказилади.

4. Илмий конференция якуни. Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушунча ва ғояларни таъкидлаб, дарсни якунлайди.

5. Ўқувчиларни баҳолаш. Машғулотда фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади ва баҳоланади.

6. Уйга вазифа бериш.

7. Машғулотни умумий якунлаш.

“Қуи Амударё иқтисодий географик райони” мавзусида ўтказиладиган илмий конференция машғулоти қуидаги лойиха бўйича ўтказилиши мумкин.

Мавзу: “Қуи Амударё иқтисодий географик райони”

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Ўқувчиларни машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш. Бу машғулотни ўтишдан бир ҳафта олдин синф ўқувчиларини 4та групга ажратамиз ва уларга география фани соҳасида фаолият кўрсатаётган «Олимлар» мақомини берамиз.

III. Янги мавзуни ўрганиш: Ўқувчилар қуидаги мавзу режаларидан бири бўйича маъруза тайёрлайди.

1. Иқтисодий географик ўрни, табиий бойликлари ва аҳолиси.
2. Хўжалиги ва унинг ҳудудий ташкил этилиши.
3. Қорақалпоғистон Республикаси
4. Хоразм вилояти.

«Олимлар» мақомини олган ўқувчилар ўзларига тегишли мавзу бўйича кўргазмали қуроллар асосида қўшимча материаллардан фойдаланган ҳолатда маъруза қиласидилар. Маъruzалар тугагач, ўқувчилар ўртасида баҳс ва мунозара ўтказилади.

Ўқувчилар ўйинлар жараёнида ўлка материалларидан кенг фойдаланиб, мавжуд муаммолар: экологик, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни очиш,

уларни бартараф қилишни йўлларини ўрганадилар. Бу эса ўйинлар орқали ўқувчиларни мамлакат миқёсида содир бўлаётган воқеалар билан таништириш, Ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш, турли касблар билан таништириш, меҳнат қўникмаларини яратишга олиб келади.

**“Қуий Амударё иқтисодий географик райони” мавзусида ўйин технологиясининг конференция методидан фойдаланилган машғулотнинг технологик картаси**

<b>Технологик Босқичлар</b>	<b>Ўқитувчининг фаолияти</b>	<b>Ўқувчининг фаолияти</b>				
I босқич. Ташкилий қисм, 5-дақиқа.	<p>Ўқувчиларни машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.</p> <p>Ўқувчиларни бажариладиган ўқув топшириклари ва уларнинг дидактик мақсади билан таништиради.</p>	<p>Машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши ва бажарилиши керак бўлган топшириқларни англайди.</p> <p>Бажариладиган ўқув топшириклари юзасидан кўргазмалар ва дидактик мақсадни англайди.</p>				
II босқич. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, 5-дақиқа.	<p>Ўқувчилардан «Олимлар» гуруҳларини ва уларнинг мустақил ишлаш жараёнини ташкил этади.</p> <p>Ўқув материалининг топшириклар ёрдамида мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди.</p>	<p>Ўқув фаолиятини ташкил этадилар, «Олимлар» гуруҳига берилиган топшириқларни бажарадилар.</p> <table style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 50%;">1-гурух</td> <td style="width: 50%;">2-гурух</td> </tr> <tr> <td>3-гурух</td> <td>4-гурух</td> </tr> </table>	1-гурух	2-гурух	3-гурух	4-гурух
1-гурух	2-гурух					
3-гурух	4-гурух					
III босқич Янги мавзуни ўрганиш, 25-дақиқа.	<p>Ҳар бир гурухнинг ўқув материали юзасидан тайёрлаган маъruzalарини тинглайди.</p> <p>Маъруза яқунида ўқувчилар билан савол-жавоб, ўқув баҳси ўтказади.</p>	<p>Ҳар бир гурух ўқув материали юзасидан маъruzalар тайёрлайди.</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол-жавоб, баҳс-мунозарада фаол иштирок этади.</p>				
IV - босқич. Натижани таҳлил қилиш ва якунлаш, 10-дақиқа.	Ўқувчилар фаолиятини таҳлил қиласи, уларга мустақил ва ижодий иш топшириқларни беради.	Ўқув фаолияти ва эришилган натижани таҳлил қиласи ва баҳолайди.				

V. Машғулотни умумий якунлаш.

VI. Уйга вазифа бериш.

## **“Материклар ва океанлар табиий географияси” курси бўйича айрим мавзуларни ўқитишида ўйинлардан фойдаланиш.**

“Материклар ва океанлар табиий географияси” курси мактаб географияси тизимидағи дастлабки регионал курсдир. Курснинг асосий вазифаси ўқувчиларга бутун материк ва материк доирасидаги табиий географик обласлар ва океанларнинг табиий географик хусусиятлари ҳақида тасаввур ва хусусий тушунчалар тизимини, шунингдек, материкларнинг ахолиси ва сиёсий картаси ҳақида айрим маълумотлар беришдан иборат. Бу курсни ўрганиш орқали ўқувчилар ҳар бир материк ва океан табиатига хос бўлган хусусиятларни, ўзга материк ва океан табиатидан нималар билан фарқ қилиши, унинг табиий шароити қандай сабабларга кўра таркиб топганлиги кабиларни билиб оладилар.

Материклар ва океанлар табиий географияси курсини ўқитишида дидактик ўйинли таълим методларидан фойдаланишда барча материкларнинг бир хил режа асосида ўрганилиши қулайлик туғдиради. Материкнинг географик ўрнини, чекка нуқталарининг координаталарини, материкнинг бўйи ва кенглигини ўлчаш ишлари имкон қадар муаммоли топшириқлар асосида, ўйин сифатида берилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, Африканинг географик ўрни муаммоли таълим, “аклий ҳужум” ва бошқа усуслар орқали ўрганилса, Жанубий Американинг географик ўрни ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда, эгалланган кўнирма ва малакалар асосида ўйинли топшириқ сифатида ўрганилиши мумкин. Кичик ёшдаги ўқувчиларга билим беришда таълимни ўйинлар билан қўшиб олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ўйин жараённада мулоҳаза, мушоҳада қилиш, фикрлаш, баҳслашиш ва ўз фикрини далиллашга уриниш билан муаммоли таълимнинг элементлари амалга оширилади.

“Материклар ва океанлар табиий географияси” курси бўйича кенг ўйланилиши мумкин бўлган ўйинлардан бири **“Мен кимман?”, “Мен**

**нимаман?”** ўйинидир. Бу ўйин асосан тақрорлаш, умумлаштириш дарсларида қўлланса, яхши натижа бериши мумкин. Ўйинни ўтказиш учун битта ўқувчи доска ёнига чақирилади. Унга ўзига қўрсатмасдан бирор бир жой, географик объектнинг номи ёки саййёҳ исми ёзилган қалпоқча кийгизиб қўйилади. Ўқувчи ўзининг кимлигини аниқлаш учун бошқа ўқувчиларга 10та савол беради. Қолган ўқувчилар унга “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб берадилар. Айтайлик, қалпоқчага “Амударё” сўзи ёзилган бўлса, савол-жавоб қўйидаги тартибда бўлади.

Қалпоқдаги ёзувни нималигини топган ўқувчи ғолиб бўлади. Бу ўйин орқали ўқувчиларнинг ўтилган дарсларда олган билимлари хотирасида қайта тикланиб, билимларни узоқ вақт сақланишига ёрдам беради.

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Жонлиманими?	йўқ
2.	Материкманми?	йўқ
3.	Тоғлиқманми?	йўқ
4.	Дарёманми?	ҳа
5.	Африкада жойлашганманми?	йўқ
6.	Евросиё материгидаги дарёманми?	ҳа
7.	Днепр дарёсиманми?	йўқ
8.	Россияда жойлашганманми?	йўқ
9.	Ўзбекистонда жойлашганманми?	ҳа
10.	Сирдарёманми?	йўқ
11.	Амударёманми?	ҳа

### “Жумбоқ кўчаси” ўйини.

**Ас..о..бия-жойнинг** географик координаталарини юлдузларнинг чиқиши ва бўлиш пайтларини ҳал қилишда ишлатиладиган асбоб (жавоб: астролябия).

**Био . ф . . а** - Ернинг органик ҳаёт ривожланган қисмини бирлаштирувчи қобиқдир. Гидросферани тўлиқ, литосферанинг юқори ва атмосферанинг қуий қисмини қамраб олади (жавоб: биосфера).

**Ч . н . . . р** – тик жарликлар. Булар Устюрт платосида кўп учрайди (жавоб: чинклар).

**Гон . . . а** - бундан 180 млн йил аввал пангея яхлит материгидан ажралган гигант қуруқлик бўлиб, ундан жанубий ярим шардаги Жанубий Америка, Африка, Антактика ва Австралия ажралиб чиқкан (жавоб: Гондвана).

**Х . . . ай** – “қорлар макони” деган маънонинг англатади, тоғ номи.

**К . . . з** – сувли қатламлар қия жойлашган тоғ олди адирли минтақаларида қазилган қатор қудуқларнинг ер остида маҳсус кавланган йўлаклар орқали бир – бирлари билан туташтирилиши натижасида улар сувини ер юзасига олиб чиқаришга имкон берадиган мураккаб сув таъминоти тизимиdir. Уларнинг суви билан аҳоли пунктлари ва экин майдонлари таъминланган. (жавоб: кориз).

**Т . . . до** – АҚШда тез-тез такрорланиб турадиган жуда кучли қуюннинг номи. АҚШнинг шарқий, жануби-шарқий қисмида хар йили юзлаб марта кузатилади (жавоб: тарнадо).

**С . . . на** – ҳар – ҳар ерда якка ҳолда ёки тўп- тўп дараҳтлар ўсадиган куруқ тропиклар.

#### «Географик лото» ўйини.

Бу ўйин турли варианtlарда ўтказилади. Ўйинида «лото тошларига географиянинг турли мавзулари бўйича саволлар ёзилади ва номерлаб қўйилади. Масалан:

1. Ер шаридаги энг серсув дарё.
2. Европадаги энг серсув дарё.
3. Дунёдаги энг кўп автомобиллар ишлаб чиқарадиган мамлакат.
4. Африкадаги энг ривожланган мамлакат.
5. Ўзбекистондаги энг паст ботик . . .

Лото доскаси катакларига саволларнинг жавоблари ёзиб қўйилади. Масалан: Амазонка, Волга, Япония, Жанубий Африка Республикаси, Мингбулоқ ва бошқалар. Лото доскасидаги ёзувлар жавобларнинг хилма-хил

комбинацияларидан иборат бўлади. Бошқарувчи халтачадан номер ёзилган «лото тошини» олиб ундаги саволни ўқийди. Ўқувчилар «Лото доскаси»дан тўғри жавобни топиб, уни устини номерланган қофозча билан ёпиб қўяди. «Лото доскаси»ни биринчи ва тўғри тўлдирган ўқувчи ғолиб хисобланади.

**“МАТЕРИКЛАР ВА ОКЕАНЛАР ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ”**  
**КУРСИ БЎЙИЧА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**  
**ҚЎЛЛАНИЛГАН ДАРС ИШЛАНМАСИ**

**“Жанубий Америка материгининг географик ўрни, ўрганиш тарихи, геологик тузилиши, фойдали қазилмалари. Рельефи.” мавзуси**  
**учун муаммоли дарс технологияси**

<b>Машғулот вақти – 45 минут</b>	<b>Ўқувчилар сони – 32 та</b>
<b>Машғулот шакли</b>	Муаммоли дарс
<b>Дарс режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Материкнинг асосий хусусиятлари.</li> <li>Географик ўрни ва ўрганиш тарихи.</li> <li>Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари.</li> <li>Рельефи.</li> </ol>
<b>Машғулотнинг мақсади</b>	Ўқув мавзуси бўйича умумий тушунча бериш.
<b>Педагогик вазифалар</b> - Материкнинг асосий хусусиятларини тушунтириш; - Географик ўрни тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; - Материкнинг кашф қилиниши ва уни ўрганган олимлар ҳақида маълумот бериш; - Геологик тузилишидаги ўзига хосликлар ва фойдалай қазилмалари ҳақида маълумотга маълумот бериш; - Рельеф тузилишига кўра бошқа материклардан фарқловчи асосий хусусиятларини тушунтириш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари</b> Материкнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беради; - Географик ўрни тўғрисида тушунчага эга бўлади; - Материкнинг кашф қилиниши ва уни ўрганган олимлар ҳақида айтиб беради; - Геологик тузилишидаги ўзига хосликлар ва фойдалай қазилмалари ҳақида маълумотга эга бўлади; - Рельеф тузилишига кўра бошқа материклардан фарқловчи асосий хусусиятларини изоҳлайди.
<b>Таълим бериш усуллари</b>	Материални муаммоли баён қилиш методи, ақлий ҳужум, тезкор сўров, дидактик карточкалар билан ишлаш

<b>Таълим бериш шакллари</b>	Гурухларда, жуфтликда ишлаш
<b>Таълим бериш воситалари</b>	Дарслик, Жанубий Америка материгининг сиёсий-маъмурӣ табиий ва иқлим карталари, тарқатма карточкалар.
<b>Таълим бериш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган синф хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, муаммони ечиш бўйича ўқув топширигини бажариш.

**“Жанубий Америка материгининг географик ўрни, ўрганиш тарихи, геологик тузилиши, фойдали қазилмалари. Рельефи.” мавзусига муаммоли дарснинг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим оловчилар
<b>Тайёрга рлик босқичи</b>	Ўйин саволлари рўйхатини тузади, дидактик карточкалар тайёрлайди. Усуллар ва воситаларни белгилайди. Вазифа беради, дарс мавзусини ўрганиб чиқади.	Дарслик ва карталарни ўрганиб чиқадилар
<b>Мавзуга кириш 5 дақиқа</b>	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот ўйин шаклида боришини маълум қиласди; 1.2. Дарсликдаги мавзу матни билан танишиб чиқишига асосланган ўй вазифасини алоҳида эслатиб ўтади.	Тинглайдилар Тинглайдилар, ёзиб оладилар, бажарадилар.
<b>Асосий босқич 30 дақиқа</b>	2.1. Синф ўқувчиларини кичик гурухларга ажратади. Гурух билан ишлаш қоидасини эслатилади. (1-илова). 2.2. Ҳар бир кичик гурухга алоҳида «саёҳат» маршрути ёзилган карточкалар тарқатилади. Ҳар бир гурухдан “назоратчилар” гурух ишини тақдимот қиласди (2-илова) 2.2. Билимларни фаоллаштириш жараённада ўқув муаммосини ечиш бўйича изланувчанлик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун ўқувчиларнинг эгаллаган билимлари етарли эканлигини аниқлайди 2.3 “Саёҳат” ниҳоясига етгач, кичик гурухларга мавзу бўйича тайёрланган муаммоли савол карточкалари тарқатилади (3-илова) 2.4. Муаммо ечими йўлларини излаб топишни ташкиллаштиради, муаммоли саволларни ўртага ташлайди, уларнинг жавобларини муҳокама қиласди; 2.5 Машғулотни ташкил этиш учун ёрдамчи савол ва хуносалар, кўргазмали материаллардан фойдаланади (4-илова); 2.6. Таълим оловчилар билан биргалиқда жавобларнинг тўлиқлигини баҳолайди, жавоблар тўлиқ бўлмаган ёки умуман жавоб бўлмаган ҳолларда берилган саволга ўзи	Саволларга жавоб берадилар  Муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини билдирадилар  Жараён мобайнида муаммонинг юзаки ечилиши мумкин эмаслигини тушунадилар. Юзага келган қийинчиликлар борасида ўз фикрларини билдирадилар, баҳслашадилар, муаммонинг (тўлиқ) ечилишинининг оптималь йўллари бўйича хуносалар

	жавоб беради; 2.7. Яқуний хulosани аниқ, түлиқ ва тушунарлы ифода этади;	чиқарадилар
<b>Яқуний босқич 10 дақықа</b>	3.1. Таълим олувчиликнинг муаммони ечиш мобайнида ҳаракатларини таҳлил килади; 3.2. Баҳс жараёнида уларнинг тайёргарлиги ва фаоллигинин баҳолайди (4 илова); 3.3. Эгалланган билимларни мустахкамлаш ва тизимлаштириш учун кластер тузишни таклиф этади. 3.4. Уйга вазифа беради.	Хатоларни таҳлил киладилар.

## ***1-илова***

### ***Гурух билан ишлаш ва ўйинни ўтказиш қоидалари***

Гурух аъзоларининг ҳар бири :

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;

### ***Эслатма. Иш тартиби ва регламент***

1. Муаммони ечиш ва презентация вароғини ёзиш учун гуруҳда ишлашга 10мин. Натижалар А4 формат қоғозида расмийлаштирилади.
2. Тақдимот учун ҳар бир гурухга 5 дақиқа, мухокамага 5 дақиқа ажратилади.

## **2-илова Кичик гурухларга бериладиган ўйин топшириқлари (1)**

### ***I-гурух учун “саёҳат” йўналиши***

***I-топшириқ.*** Денгиз йўли орқали Истанбул (Туркия) шаҳридан Рио де Жанейро (Бразилия) шаҳригача карта бўйлаб «саёҳат» қилинг. Қуйидаги саволларга жавоб тайёрланг:

1. Қайси океаннинг қайси денгизлари орқали ўтасиз?
2. Қайси бўғозлардан ўтасиз?
3. Қайси орол ва ярим ороллар ёнидан ўтасиз?
4. Қайси иқлим минтақалари ва иқлим областларини кесиб ўтасиз?

### ***II-гурух учун “саёҳат” йўналиши***

***I-топшириқ.*** Денгиз йўли орқали Рио де Жанейро (Бразилия) шаҳридан Лос Анжелес (АҚШ) шаҳригача карта бўйлаб «саёҳат» қилинг. Қуйидаги саволларга жавоб тайёрланг:

1. Қайси океаннинг қайси денгизлари орқали ўтасиз?
2. Қайси бўғозлардан ўтасиз?

### **III-гурұх үчүн “саёхат” йұналиши**

**I-топишириқ.** Денгиз йўли орқали Рио де Жанейро (Бразилия) шаҳридан Калькутта (Ҳиндистон) шаҳригача карта бўйлаб «саёхат» қилинг.

қуидаги саволларга жавоб тайёрланг:

1. Қайси океан ва денгизлари орқали ўтасиз?
2. Қайси бўғозлардан ўтасиз?
3. Қайси орол ва ярим ороллар ёнидан ўтасиз?
4. Қайси иқлим минтақалари ва иқлим областларини кесиб ўтасиз?
5. Сиз кесиб ўтган иқлим минтақалари ва уларнинг таркиб топишига таъсир этувчи омилларни характерлаб беринг.”

2

### **3-илюва Кичик гурӯхларга бериладиган муаммоли саволлар (2)**

#### **I-гурӯх**

**II-топишириқ.** Жанубий Америка материгининг асосий хусусиятлари нималардан иборат? Географик ўрнига кўра Африка материgidан қайси хусусиятлари билан фарқланади?

#### **II-гурӯх**

**II-топишириқ.** Жанубий Америка материгининг геологик тузилишини ўрганинг ва фойдали қазилмалари рўйхатини тузинг. Айтингчи, Жанубий Америка материgidан топилган конлар рельеф жиҳатдан қаерларга тўғри келади: тоғликларгами ёки текисликларгами?

#### **III-гурӯх**

**II-топишириқ.** Жанубий Америка материгининг тоғ тизмалари ва текисликлари рўйхатини тузинг. Материк кимлар томонидан ўрганилган ва нима учун “Америка” деб номланган?

### **Мавзу бўйича билимларни фаоллаштириш учун бериладиган ёрдамчи саволлар**

- Жанубий Америка материги қайси яримшарда жойлашган?
- Жанубий Америка материгини қайси океанлар сувлари ўраб туради?
- Баланд тоғликлар материкнинг қайси қисмида жойлашган?
- Материкнинг табиий картасидан энг катта дарёларини кўрсатинг.
- Материқда жойлашган тоғ тизмаларини айтинг.
- Материк қайси иқлим минтақаларида жойлашаган?

### *Гурухларга қўйилган баллар қўрсаткичлари*

<i>Гурух</i>	<i>1 топшириқ учун</i>	<i>2 топшириқ учун</i>	<i>Умумий балл</i>	<i>Баҳо</i>
1				
2				
3				
4				

*Уйга вазифа: Мавзу бўйича тест саволлари тузиш.*

География дарсларида ўқувчиларни хилма-хил фаолият турларига жалб этиш, кўргазмали воситалардан фойдаланиш, дарс жараёнига турли хил педагогик ўйин элементларини киритиш таълим самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан хисобланади.

### **2.3. География дарслари самарадорлигини оширишда томишмоқлардан фойдаланиш**

Фан ва техника жадал ривожланаётган бизнинг мамлакатимизда ҳам бир қанча ижобий ишлар қилинмоқда. Жумладан бунга ёш авлодни тарбиялааш ва уларни билими ҳамда савияси жиҳатидан рақобатбардош кадрларни етишириш мақсадида давлатимиз томонидан «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим

мазмунини ислоҳ қилиш унинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар яққол мисол бўла олади.

География фанини ўқитишига оид Республикаиз олимлари ва илғор педагоглар томонидан педагогик технологиянинг бир қанча янги усул ва услублари яратилмоқда. Ана шу усул ва услублар ўқитувчи томонидан таълим жараёнига тадбиқ қилинади. Дарс самарадорлигини оширишда ўқитиши жараёнининг ташкилотчиси ва бошқарувчisi бўлган ўқитувчи фаолияти муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчининг дарс ўтиш фаолияти ёш авлоднинг, ахлоқий, руҳий, жисмоний қобилятларини уйғун равишда ривожлантиришга қаратилган. Ўқитувчи ўлкашуносликка асосланган, фаннинг ҳусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчиларни физиологик ва руҳий ҳусусиятларини эътиборга олган ҳолда дарсни ташкиллаштиради.

Ўқувчиларни дарсга ва ўрганаётган материалига қизиқишини ошириш мақсадида топишмоқлардан фойдаланиш яхши самара бермоқда.

Сабаби, топишмоқлар катта сўз ўйини асосида вужудга келади. Бу қадими географик ўйин ҳисобланиб катта бадиий маҳоратни, топқирликни ва зукколикни талаб этади. Топишмоқлар халқ ижодига образли, ёндошиш бўлиб қолмасдан сўзга муҳаббат уйғотади. Шунингдек топишмоқлар дарсларда олинган билимларни мустаҳкамлашга, фикрлашга ва ҳозир жавобликка ўргатиб фанга қизиқишини янада ортиради.

Географик топишмоқлар асосида ташкил этилган дарс ўқувчилар онгини, тафаккур қобилятини ўстиришга ҳизмат қиласди. Ўқувчи ҳар бир топишмоққа мос жавобни топишдан олдин мазкур жумбоққа тааллуқли ўзи билган барча маълумотларни эсга олиши, шу берилаётган топишмоқни тасаввур қилиши, унинг моҳиятига чуқур етиши, ўлқамиз ўсимликлари, ҳайвонлари, табиатни ўзига ҳос ҳусусиятларини ҳамда воқеа ҳодисаларни эсда сақлаш қобилчтига эга бўлиши лозим. Ана шундагини ўқувчи берилган топишмоқни жавобини тўғри айта олади.

Топишмоқни ҳозир жавоблик билан топган ўқувчи ўз билимига ишонч ҳосил қилиб қолмасдан, янги тушунчаларни ўрганишга, малака ва кўникма ҳосил қилишга куч топа олади.

Географик топишмоқлар дарснинг бошланишига ўқувчи диққатини жалб этиш ва ўтган мавзулар бўйича билимни синашга, дарс сўнгидаги эса янги материалларни қай даражада қабул қилғанликларини билиш ва ўқувчиларга ижодий дам бериш мақсадида фойдаланилади. Тест топишмоқлари ўқувчиларни назорат қилишда ва баҳолашда ҳам катта ёрдам беради.

Жонажон ўлкамизнинг иқлими мавзусида асосан фасллар ҳақида ва ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусияти ҳақида дарсликда умумий назарий маълумотлар берилган. Дарс ўтиш мобайнида қуидаги топишмоқлардан фойдаланиш мумкин.

1. Бир фасл бор иссиқ соз

У сиз гиёҳ унмайди (Қуёш)

2. Қизаради сўнмайди

Қуёш тифидамиз (Ёз)

3. Сувлар унга меҳмондир,

У бешинчи уммондир (Атмосфера)

4. У борки булувлар самода кезар,

Чўлларда барханлар ўйнар ким ўзар (Шамол)

5. Ранги бору, шакли йўқ,

Унингсиз ҳаёт ҳам йўқ (Ҳаво)

6. Тоғдан пасга қараб эсади,

Қиши баҳорда водий кезади. (Фён шамоли)

7. Кўзга кўринмас қобиқ,

У қуёш юзин тўсиб, (Булут)

Сув ташир экан ҳориб

8. Жойнинг ўрнида хўп боғлиқ

Бир ерда юқори, бир ерда-чи, паст	
Бу чизик чегара бўлади фақат,	
Хаво ҳарорати бир хил бўлса бас	(Изотерма)
9. У шундай минтақа, хавоси илик	
Тўрт фасл намоён. Бўлади тўлиқ.	(Мўътадил минтақа)
10. Унга ўсимликлар юзини бурап.	
Кумирсқалар ичин оғзин қуарар,	
«Австралия» - сўзи унга тақалар	
Бу томоннинг номи қандай аталар ?	(Жануб)
11. Глобус ва харита,	
Чизаётиб Мадина.	
Сариқ нуқталар қўйди.	
Айтингчи, қани бу нима?	(Чўлнинг шартли белгиси)
12. Экватордан Арктикага	
Йўл олди дўстинг Ғани	
Қайси кенглиқ томон борар,	
Шу Ғани айтгин қани.	(Шимолий кенглиқ томон)
13. Тўғри ранг берсанг унга,	
Ахборот берар сенга	(Ёзувсиз харита)

Демак юқоридагидек топишмоқлардан география дарсларида фойдаланиш дарс самарадорлигини ошириш билан бирга ўкувчилар фикрини теран қилишга дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради. Топишмоқлар жонажон ўлкамиз ва унинг иқлимининг ўзига хос хусусиятларини болалар онгига мустаҳкам сингдиришда катта аҳамият касб этади. Дарсларда топишмоқлардан фойдаланиш ўкувчиларни нафақат илмий дунёқарашини шаклланириб қолмасдан балки уларни одоб аҳлоқига ҳам ижобий таъсир күрсатади.

## **2.4. География дарсларида географик лотодан фойдаланишнинг аҳамияти**

Ўқувчилар онгига табиатдаги ҳар бир нарса ғайри табиий нарса бўлсада, аслида моддий дунё бўлиб, бизнинг онгимизда акс этади. Табиатда содир бўлаётган ҳодисалар муайян табиий ёки ижтимоий қонунлар асосида рўй беради. Ўқувчиларнинг назарий билимларини амалда қўллаган ҳолда амалий фаолият билан боғласак, уларнинг эстетик аҳлоқий тарбияси ҳам камол топади. Ўқувчиларни география фанига қизиқтириш учун унумли фойдаланиш, ҳар бир дарсни мазмунли қилиб ўтказишга боғлиқдир. Бундай дарсларда ўқувчилар ўрганаётган мавзуни яхши ўўзлаштирадилар ва маълумотларни эсда сақлаб қоладилар.

География фанида ўқувчиларни қизиқтирадиган, уларни эътиборларини ўзига қаратадиган материаллар беҳисобдир, бу тўғрида М.Н. Баранский «Предметлардан ҳеч бири шундай даражада кўрсатмали ва қизиқарли материалларга муҳтож эмас, балки айни пайтда предметларнинг ҳеч бири географиячалик ўқитишнинг кўрсатмали ва қизиқарли усулларни қўллашга бой бўлган майдонни тақдим қилмайди. Бошқа предметлардан ҳар бир кўрсатмали ва қизиқарлиқда географияга ўхшаб самара бермайди» - деб берган баҳо катта аҳамиятга эга.

Маълумки, география дарсларида мавзуларни ҳар хил дидактик ўқув материаллар, географияни тили бўлмиш хариталар, турли кўргазмали ўқув куроллар, шунингдек географик объектларнинг макетлари ва моделлари билан ўрганиш, фанимизни бошқа фанларга нисбатан кўргазмалиликга бўлган эҳтиёжи юқори эканлигини яна бир бор кўрсатади. Умумий ўрта таълим мактабларининг география дарсларида ўқувчиларга географик билим беришда, қўникма ва малакаларни ҳосил қилишда географик лотодан фойдаланиш ўқувчиларни фикрлашга, мунозараларда фаол иштирок этиш билан бирга синфдошини фикрини эшитишга ва ҳурмат қилишга, мустақил гурух вакиллари блан келишган ҳолда қарор чиқаришга ўргатади.

Географик лето методи муайян фан асослари борасидаги бир қатор мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта тахлил қилиш асосида улар юзасидан муайян хulosаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хulosалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. Дарс жараёнида географик лотодан фойдаланиш, ўқувчиларни географик билимларини янада самарали бўлишига, фанга нисбатан қизиқишини уйғотишга эркин мастақил фикрловчи шахс сифатида шакллантиришга ва ривожлантиришга йўналтиради. Лотоларнинг қуидаги тури мавжуд: карта ва каточкали; расмли; топишмоқли; ботаник, математик, географик лотолар ва бошқалар.

Шу ўринда географик лотони дарс жараёнига тадбиқ этиш, географик билимларни янада шаклланиши ва ривожланишида катта самара берар эди. “Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши” деб бежиз айтилмаган халқ мақолаларидан бирида. Бунинг учун катта картада вазифалар мажмуаси жойлаштирилади. Кичик карточкаларда эса географик саволлар берилади. Бошқарувчи саволларниўки б туради, ўқувчилар жавобни ва жавоб рақамини айтадилар географик лото мавзудан келиб чиқсан ҳолда тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлар, текисликлар, сайёҳлар номлари, география фанига ҳисса кўшган олимлар ва дengiz сайёҳлари номлар ва ҳаказолар. Табиий география ва география таълими методикаси доценти П.Н Ғуломовда “Дунё бўйлаб саёҳат” географик лото рус тилида мавжуд бўлиб, ундан шу кафедранинг катта ўқитувчиси X.Б, Никадамбаева “Географиядан дастурлар, дарсликлар ва дидактик материаллар” фанида, ҳам назарий ҳам амалий жиҳатларини инобатга олган ҳолда фойдаланар эдилар. Назарий бу бизни қай даражада географияни билишимиз бўлса, амалий биз ҳам географик лото тайёрлашни ўрганишимиз керак эди. Кўрганларим менга ижобий таъсир этиб, мен ҳам “Материклар ва океанлар табиий географияси” курсидан ўзбек тилида географик лото тайёрлаш керак эканлигини ўзимга мақсад қилиб қўйдим.

Бундай дастурлаштирилган топшириқлардан ҳар хил типдаги дарслар ўтишда, шунингдек, ўқувчилар билан индивидуал ва бутун синф билан ишлар олиб бориш жараёнида фойдаланиш мумкин. Топшириқни бажариш учун 5 дақиқа ажратиласди. Бу вакт ичида ўқувчи 2-3 та карточкага жавоб бериси ва дафтарида жавобларни рақамлар билан кўрсатиши лозим.

Дастурли карточкалар ўрганилган мавзунинг варианtlари бўйича тузиласди. Карточкада савол –топшириқ ва унга учта: тўлик ва тўғри, ноаниқ, нотўғри жавоблар берилади. Ўқувчи дафтарига карточка номери ва қавс ичида жавоб номерини ёзиши керак. Дастурлаштирилган дидактик карточкаларга мисоллар:

1 –карточка.

Нима учун кушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар?

1. Чунки совуқ бўлиб қолади.
2. Улар ейдиган овқат йўқ.
3. Чунки совуқ бўлиб қолади ва очлик вужудга келади.

Тупроқ деб нимага айтиласди?

1. Тупроқ бу нимага қазилма.
2. Ернинг юқори, юмшоқ қатлами, унда ўсимликлар илдиз отадилар.
3. Тупроқ бу ернинг юқори қатлами.

Тўлик ва тўғри жавоб (2).

Табиатшунослик дарсларида ўқитувчи дастурлаштирилган ўқитиш элементларидан фойдалана туриб, шуни эсда тутиши керакки, фаолиятнинг бу турида груп бўлиб ўқитишдаги кетма – кетлик назоратни индивидуаллаштириб, иложи борича кўпроқ ўқувчиларни ишга жалб қилиши; ўз ишининг сифатини кузатиб бориши, ўқувчилар йўл қўйган хатоларни таҳлил қилиб грухлаштириш; дастурлаштирилган назоратнинг анъанавий тузилишига кириши керак.

Дастурлаштирилган назорат топшириқларини ишлашда булар ўқувчилар билимларини назорат қилишнинг хилма – хил шаклларидан бири эканлигини ва амалда уйғунлаштирилиши кераклигини ҳисобга олиш зарур.

Табиатшунсликни ўқитишда тестнинг самарадорлигини ошириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун тест материалларини тузишда табиат ҳодисаларини кўзатиш орқали ўлкашунослик тамойилига асосланиш лозим.

Жумбокли жадваллар, расмлардан фойдаланиш такрорловчи дарсда яхши самара беради. Такрорловчи–умумлаштирувчи дарс одатда мавзу ўрганилгандан кейин ўтказилади. Унинг дидактик мақсади илгари ўтилган қатор дарслар мазмунини бир–бирига боғлаш, улардаги энг муҳим масалаларни аниқлаш ва умуман, мавзу бўйича умумлашган хulosалар чиқаришdir.

Такрорловчи–умумлаштирувчи дарслар мазмунига янгилик элементларини: янги мисоллар, олдинги дарсларда фойдаланилмаган кўргазмали қуроллар, диафильмлар, диапозитивлар киритилиши лозим.

Ўқитувчи такрорловчи – умумлаштирувчи дарсга пухта тайёрланиши (ўрганилган мавзу бўйича саволлар рўйхатини тузиш, умумлаштирувчи жадвал ўйлаб чиқиш, индивидуал дидактик карточкалар тайёрлаш) керак. Билимларнинг ўзлаштирилганлигини чукурроқ текшириш учун дастурлаштирилган карточкалардан, шунингдек, ўқувчилар томонидан аввал тайёрланган альбомдан фойдаланиш мумкин.

Ўқувчилар билимини текширишда умумлаштирувчи жадваллар алоҳида аҳамиятга эга, чунки уларда ўйин элементлари бор. Мисол сифатида “Тўртинчиси ортиқча” жадвалини келтириш мумкин. Бу жадвалнинг ҳар бир қаторида тўртта умумий бўлган ҳайвонлардан учтаси улар учун умумий бўлган белги бўйича алоҳида гуруҳга бирлаштирилиши мумкин.

Жадвалда ҳар хил қушлар оёқ ва бошларининг расмлари илова қилинади. Болалар уларнинг оёклари нима билан фарқ қилишини, сувда сузувчи йиртқич қушлар ҳаётида қандай рол ўйнашини, шунингдек, тумшуқлари овқатланишида қандай ёрдам беришини тушунтиришлари керак.

### 3-жадвал

#### “Тўртингиси ортиқча” номли ўйин жадвали

Читтак	Олмахон	Чумчук	Зағча
Йўлбарс	Бўри	Товушқон	Мушук
Ит	Сигир	Чўчқа	Кўй
Пашша	Чивин	Карам капалаги	Асалари
Товуқ	Ўрдак	Ғоз	Какку
Қарға	Жиблажибон	Қалдирғоч	Попишак

Такрорловчи – умумлаштирувчи дарсларнинг тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин: 1) ўқитувчининг кириши сўзи, бунда ўрганилган мавзунинг аҳамиятини тушунтиради, дарс мақсади ва режасини билдиради; 2) ўқувчиларнинг индивидуал, биргаликда, оғзаки ёки ёзма умумлаштирилган типдаги топшириқларни бажаришлари; 3) ишнинг бажарилишини текшириш ва етишмовчиликни бартараф этиш; 4) диафильмлар намойиш қилиш; 5) якун чиқариш.

Изоҳли ўқиши дарси, кино ва теледарс, шунингдек, экскурсия дарси ҳам дидактик хусусиятга эга дарслар типига кириб, катта аҳамиятга эга. Табиатшунослик дарсларида жумбоқли расмлар тасвирланган суратлар билан ишлаш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, бундай дидактик ўйинларни ўtkазиш учун “Ўлкамиз табиати”, “Табиат зоналари”, “Одам организми” ва “Ер ва қуёш” мавзулари бўйича кўплаб жумбоқли расмлар ўйинини ўтказишимиз мумкин. Бунда ўқитувчи болаларга расмларни кўрсатиб: унда йилнинг қайси фасли тасвирланган? Расмда табиат обьектларидан нималар тасвирланган? сўнгра, ўқувчилар диққатини расмда

нималар хато тасвиrlанғанligига қаратмоғи лозим. Албатта, синчков ўқувчилар расмдаги хатоликларни топишга ва изоҳлашга ҳаракат қиладилар: бунда сершоҳ, соя берувчи дараҳт тагида ўсимлик серхосил мева бермаслигини, йилнинг баҳор фаслида полиз экинларидан қовун пишмаслигини ҳамда қуёш шарқдан чиққанда дараҳт сояси шарқ томонга тушмаслигини изоҳлаб берадилар. Шунингдек, қуёшнинг шарқдан чиқиши ҳолати, ер ўз ўқи атрофига ғарбдан шарққа қараб айланиши ҳисобига рўй беришини тушунтиromoқ керак.

## **ХУЛОСА**

Юқорида баён қилинган маълумотларни таҳлил қилиш ва мактабда педагогик амалиёт даврида олиб борилган кузатишларимиз қуидаги хulosаларни чиқаришга имкон берди.

1. Мактабдаги ўқув жараёнининг сифати бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида ўқитишнинг метод ва усуллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Улар билимларни онгли ва чуқур ўзлаштирилишига, ўқувчиларда мустақиллик ва ижодий фаолликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Таълим жараёнида ўқувчиларни ўқув материалига бўлган қизиқишини шакллантириш ва тарбиялашнинг самарали воситаларидан бири дидактик ўйинлардир.

2. Дидактик ўйинлар ўқувчиларда таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, тадқиқ қилиш, ҳисоблаш, ўлчаш, ясаш, санаш, кузатиш, солишириш, хulosalарни чиқариш, мустақил қарор қабул қилиш, гурӯҳ ёки жамоа таркибида ишлаш, ахлоқ-одоб ўргатиш, нутқ ўстириш, тил ўргатиш, янги билимлар ўргатиш ва бошқа фаолият турларини ривожлантиради.

3. Дидактик ўйинларнинг асосий турлари: интеллектуал (ақлий) ва ҳаракатли ҳамда аралаш ўйинлардан иборат. Бу ўйинлар иштирокчиларда ақлий, жисмоний, ахлоқий, психологик, эстетик, бадиий, тадбиркорлик, меҳнат ва бошқа кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

4. География таълимида ўйинлардан дарс жараёнида ва синфдан ташқари ишларда фойдаланиш мумкин. География таълимида фойдаланиладиган ўйинлар жуда хилма хил бўлиб, уларни мазмуни ва фойдаланиш мақсади бўйича информатив, машқли, мустаҳкамлаш, савол-жавоб, назорат, вазиятли-ролли ўйинлар каби турларга ажратиш мумкин.

5. Дидактик ўйинлар имкониятларини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш таълим мазмунининг ўзига хослиги география курси учун ўйинларнинг энг мақбул турлари – саёҳат, комплекс экспедициялар, лойиҳаларни ҳимоя қилиш, матбуот конференцияси, давра

сұхбати каби ўйинларни белгилаш имконини беради. Таълим жараёнида бу ўйинларни қўллаш ўқувчиларнинг билимлари ва малакалари сифатига сезиларли равишда таъсир қиласди, фанга бўлган барқарор қизиқиши шакллантиришга ёрдам беради

6. Демак юқоридагидек топишмоқлардан география дарсларида фойдаланиш дарс самарадорлигини ошириш билан бирга ўқувчилар фикрини теран қилишга дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради. Топишмоқлар жонажон ўлкамиз ва унинг иқлимининг ўзига хос хусусиятларини болалар онгига мустаҳкам сингдиришда катта аҳамият касб этади. Дарсларда топишмоқлардан фойдаланиш ўқувчиларни нафақат илмий дунёқарашини шаклланириб қолмасдан балки уларни одоб аҳлоқига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Тошкент, 2003.
2. Абдуғаниев О., Пайзиева М., Азизова К. География таълимида ўйинлардан ва тарқатма материаллардан фойдаланиш. Фарғона, 2005.
3. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиши технологиялари. Тошкент, 2001
4. Аҳмадалиев А., Қосимов А. Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар. Тошкент.: 2006.
5. Ишмуҳаммедов Р., Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент.: 2005.
6. Ишмуҳаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар – Тошкент, 2008.
7. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика – Тошкент, “Ўқитувчи”, 2001.
8. Шукур Пўлатов. Таълим муассасаларини илмий-методик бошқариш технологияси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент-2012.
9. Расулова Л., Зокиров Ш., Янги педагогик технологиялар - Фарғона, 2000.
10. Сайдадаҳмедов Н. «Янги педагогик технологиялари» «Молия» Тошкент 2003 йил.
11. Сайдадаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Тошкент, 2003.

12. Сайидахмедов Н.С., Абдурахимов С.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Монография. Т.2010йил. 94-97 бетлар
13. Толипова Ж.О. Педагогик технологиялар – дўстона муҳит яратиш омили. -Тошкент: ЮНИСЕФ, 2005.
14. Толипов Ў., Усмонбоева М. «Педагогик технология: назария ва амалиёт» «Фан» Тошкент. 2005 йил.
15. Толипов Ў., Усмонбоева М. “Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари” Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2006. – 149-175б.
16. Қосимов А.Х “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Тошкент, ТАТУ 2004 йил.
17. Қосимов А., Холиқова Ф. “Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” Тошкент, ТАТУ 2004 йил.
18. Гуломов П., Курбонниёзов Р. Табиий география бошланғич курси. 5-синф учун дарслик. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2003.
19. География ўқув фанидан умумтаълим мактаблари учун Давлат таълим стандарти (5-9 синфлар). Тошкент, 2014.
20. Тулаева У. Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар Тошкент, 2014

### **Интернет сайтлари**

1. <http://book.inf.uz>
2. <http://www.twirpx.com/filres/common/geografiya/distionar/>
3. <http://www.twirpx.com/filres/common/geografiya/refc/>
4. <http://www.twirpx.com/filres/common/geografiya/coурсe/>
5. <http://www.eduonet.uz> - мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти
6. <http://www.scholar.yrc.ac.py/source/telecom-maktabda>  
телекоммуникацияни ўқитиш методикаси.

## **МУНДАРИЖА**

**КИРИШ.....**

**1-боб. УМУМИЙ ПЕДАГОГИКАДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....**

1.1. Ўқитишининг инновацион педагогик технологияларида дидактик ўйин технологияларининг тутган ўрни, мақсади ва ўқитиш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти.....

2.1. Дидактик ўйинларнинг турлари ва ташкил этиш усуллари.....

**2-боб. МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ**

2.1. Ўқувчиларнинг географик билим ва малакаларини ривожлантиришда ўйинларнинг тутган ўрни ва аҳамияти.....

2.2. Мактаб география курслари бўйича айрим мавзуларни ўқитишида дидактик ўйинлардан фойдаланиш усуллари.....

2.3. География дарслари самарадорлигини оширишда томишмоқлардан фойдаланиш.....

2.4. География дарсларида географик лотодан фойдаланишнинг аҳамияти...

**Хуносас.....**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....**